

Муҳаммад Ҳошим Камолий

ИСЛОМДАГИ ТАЖДИД, ИСЛОҲ ВА ЦИВИЛИЗАЦИОН ЯНГИЛАНИШ



ДАВРИЙ БЎЛМАГАН НАШРЛАРНИНГ 27-СЕРИЯСИ

Муҳаммад Ҳошим Камолий

ИСЛОМДАГИ ТАЖДИД, ИСЛОҲ ВА
ЦИВИЛИЗАЦИОН ЯНГИЛАНИШ



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2023

УДК 297
ББК 86.38-3
М 92

Китоб хомийси:
Халқаро ислом тафаккури институти
Херндон Виржиния
Билимлар интеграцияси институти
Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Муҳаммад Ҳошим Камолий
Китобни ўзбекчага таржима қилган: Матеев Фарҳад: – Б.: 2023
Китоб муҳаррири: Мирзахидова Мияссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

Ушбу китоб Қирғизистон муслмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №93

Исломдаги тажид, ислоҳ ва цивилизацион янгилиниш (Uzbek)

Муҳаммад Ҳошим Камолий
ИИТ «Даврий бўлмаган наирларнинг 27-серияси»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)
1445 АН / 2023 СЕ
Paperback ISBN 978-9967-493-57-5

Tajdid Islah and Civilisational Renewal in Islam (Uzbek)

Mohammad Hashim Kamali
IIIT «Occasional Paper Series 27»

© The International Institute of Islamic Thought (IIIT)
1439 АН / 2018 СЕ
Paperback ISBN 978-1-56564-987-3

ИИТ
P.O. Box 669
Herndon, VA 20172, USA
www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган
ISBN 978-9967-493-57-5

УДК 297
ББК 86.38-3

МУНДАРИЖА

<i>МУҚАДДИМА</i>	4
<i>Кириш сўзи ва қисқача мазмун</i>	6
<i>Маъно ва фойдаланиш соҳаси</i>	7
<i>Таждиднинг ёзма келиб чиқиши</i>	11
<i>Ислоҳ ва таждид: xx аср ривожланишлари</i>	17
<i>Исломий ревивализм, замонавийлик ва таждид</i>	22
<i>Мақасиднинг аҳамияти</i>	27
<i>Таждидни танқид қилиш</i>	28
<i>Илоҳиёт янгиланишга даъват</i>	31
<i>Цивилизацион янгиланиш (таждид ҳадарий)</i>	36
<i>Хулоса ва тавсиялар</i>	41
 <i>ИЗОҲЛАР</i>	 45

МУҚАДДИМА

Халқаро ислом тафаккури институти (ИТТ) ва Малайзия Халқаро Ислоний тадқиқотлар институти (IAIS) Фикҳ ва ҳуқуқшунослик соҳасидаги таниқли олим ва мутахассис бўлган Муҳаммад Ҳошим Камолийнинг “*Ислондаги Таждид, Ислоҳ ва Цивилизацион янгила-ниш*” даврий бўлмаган нашрларнинг 27-сериясини биргаликда тақ-дим этишдан жуда мамнун. У турли шариат мавзуларида кенг нашр этилган. Унинг кўплаб китоблари, шу жумладан, “*Ислон ҳуқуқшунос-лиги тамойиллари*”, “*Шариат қонун: Муқаддима*” ва “*Ҳадисларни ўрганитиш бўйича дарслик*” лари бутун дунё бўйлаб инглиз тилида сўз-лашадиған университетларда маълумотнома сифатида фойдаланила-ди.

Ушбу мақоланинг асосий мавзуси шундаки, цивилизацион ян-гиланиш Ислон тафаккурининг ажралмас қисмидир. Мақолада *таж-дид* ва *ислоҳнинг* маъноси, таърифи ва келиб чиқиши, уларнинг *ижтиҳод* билан боғлиқлиги, шунингдек, улар Ислоннинг бутун та-рихи давомида етакчи мутафаккирларининг асарлари ва қиссаларида қандай намоён бўлганлиги кўриб чиқилади. Шунингдек, у замона-вий мусулмонларнинг саъй-ҳаракатларини умумий манфаат йўли-да маданиятлараро тотувлик ва ҳамкорлик мақсадларига эришишга йўналтириши керак бўлган *таждид* билан боғлиқ аниқ таърифлар ва раҳбарлик тамойилларини кенгайтиради.

Саналар Ислон тақвими (*ҳижрат*) бўйича кўрсатилган жойда “ҳижрий” деб белгиланади. Акс ҳолда, улар Григорий тақвимиға амал қилинади ва заруриятға қараб “милодий” деб белгиланади. Ис-теъмомда бўлмаган арабча сўзлар курсив билан ёзилади. Диакритик белгилар фақат эскирган арабча номларда ишлатилади.

1981-йили ташкил этилган Халқаро Ислон тафаккури институти жиддий илмий саъй-ҳаракатларни илгари суриш учун йирик марказ бўлиб хизмат қилади. Ушбу топшириқни амалға ошириш учун ўн-лаб йиллар давомида унинг асосида кўплаб тадқиқот дастурлари, се-минарлар ва конференциялар ўтказилмоқда, шунингдек, ижтимоий фанлар ва илоҳиёт соҳасида илмий ишлар нашр этилмоқда. Ҳозирги кунда ушбу асарларнинг сони араб ва инглиз тилларида етти юз ном-дан ортиқ бўлиб, уларнинг аксарияти бошқа кенг тарқалган тилларға таржима қилинган.

Малайзия Халқаро Исломиё тадқиқотлар институти (IAIS) 2008-йилда ташкил этилган. IAIS Ислон контекстида амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар бўйича академик тадқиқотлар олиб борадиган мустақил тадқиқот институтидир. Анча қисқа вақт ичида институт Малайзия, мусулмон дунёси ва Ислоннинг бошқа цивилизациялар билан ўзаро алоқасига оид мавзуларда семинарлар ўтказувчи ва нашрлар чоп этувчи динамик жамоат форумига айланди. Малайзия Халқаро Исломиё тадқиқотлар институти ҳар чоракда “Ислон ва цивилизациян янгилашиш” (ICR) халқаро тақриз қилинган журнали, икки ойда бир марта “Ислон ва долзарб масалалар бўйича бюллетень”, китоблар, монографиялар ва даврий бўлмаган нашрларни чоп этади. Ўтган тўққиз йил давомида Ислон ва мусулмон оламига боғлиқ кенг доирадаги масалалар юзасидан 280га яқин тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатлари, миллий ва халқаро анжуманлар ташкил этилди. Малайзия Халқаро Исломиё тадқиқотлар институтининг фаолияти ва нашрлари ҳақида батафсил маълумотни www.iais.org.my сайтида топишингиз мумкин. Профессор Камолийнинг шахсий сайти: www.hashimkamali.com.

*Халқаро Ислон тафаккури институтининг Лондон офиси ва
Малайзия Халқаро Исломиё тадқиқотлар институти,
Қуала-Лумпур
2018, февраль*

Исломдаги Таъжид, Ислоҳ ва цивилизацион янгилик

КИРИШ СЎЗИ ВА ҚИСКАЧА МАЗМУН

Ислом тафаккури тарихи *ислоҳ* ва *таъжид* тамойилларига асосланган узлуксиз ички жонланиш ва *ислоҳотлар* анъанаси билан ажралиб туради. Пировард мақсад мавжуд воқелик ва ижтимоий ўзгаришларни тиклаш ва *ислоҳ* қилиш жараёни орқали Қуръон ва Суннатнинг трансцендент (яъни таъжиба қилиб билиб бўлмайдиган) ва умумбашарий меъёрларига мувофиқлаштиришдир. Шундай қилиб, *ислоҳ* ва *таъжид* анъанаси ҳар доим мусулмонларнинг мавжуд ҳолатига қарши чиққан ва Қуръон ва Суннатнинг янги талқинларининг пайдо бўлишига ҳисса қўшган. Ушбу талқинларни тушуниш ва татбиқ қилиш тафсир ва *ижтиҳод* усуллари ёрдами билан ҳамда Исломнинг асл ҳолидаги хабарига асоссиз қўшимчаларни рад этиш орқали амалга оширилган.¹

Ушбу мақола икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда *таъжид* тушунчаси, унинг таърифи ва фойдаланиш соҳаси, келиб чиқиши ва илмий ишланмаларнинг унга таъсири таҳлили келтирилган. Иккинчи қисм *ислоҳга* Ислом уйғониш даври ҳаракатлари, Ғарб замонавийлиги ва дунёвийлигига ўзаро таъсир ва муносабат билан биргаликда муружаат қилади. Ғарбнинг Исломга ташлаётган ундовлари *ислоҳ* ва таъжидга нисбатан янги ва ўта қизиқарли ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Қуйидаги қискача мунозарада ушбу тамойилларнинг шариат мақсадлари (мақасид) билан боғлиқлиги, сўнгра Ғарб танқидининг шарҳи ва унга мусулмон мутафаккирларининг жавоби муҳокама қилинмоқда. Охирги бўлим цивилизацион янгиликни (*ат-таъжид ал-ҳадарий*) Ислом контекстида қандай тушуниш кераклиги масаласига бағишланган. Мақола хулосалар ва баъзи амалий тавсиялар билан якунланади.

МАЪНО ВА ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИ

Таждид сўзининг сўзма-сўз маъноси “янгилашиш” бўлиб, бу бирор нарса амалга оширилганда ёки янги бўлганда ёки асл ҳолатига қайтарилганда маъносини беради. Янгилашиш у билан боғлиқ бўлган мавзу бўйича қандайдир ўзгаришларни назарда тутати: бирор нарса ўзининг асл ҳолатида мавжуд бўлган, кейин баъзи омиллар таъсири остида у ўзгаришларга дуч келган. У ўзгаришдан олдин бўлган ҳолатга қайтганида, бу *таждид* деб аталади.² Бундан келиб чиқадики, *таждид* бузилган ва эътибордан четда қолган ва ўзларининг тоза поклигида тикланиши керак бўлган ҳақиқий прецедент, тамойил ёки тамойиллар мажмуининг мавжудлигини ҳам назарда тутати. *Таждид* ҳар қандай янги ташаббус ва тамойилларга тааллуқли эмас, бошқа томондан, у аввалга йиллар тажрибасини ҳаддан ташқари чекланган қўллаш ёки оддий тиклашга олиб бормайди. Шундай қилиб, таждидга мурожаат қилиш турли ўлчамларга эга бўлиши мумкин, мен эса буни қуйида батафсил баён қиламан.

Мусулмон уламулари *таждид* тушунчасига турли хил таърифлар берган бўлиб, уларнинг баъзилари прецедент билан чамбарчас боғлиқ бўлса, бошқалари эса эркинроқдир. Таждиднинг энг дастлабки таърифи Ибн Шихоб аз-Зухрий (вафоти 124 ҳижрий/милодий 724-й.) томонидан берилган. У ҳадисдаги (пастга қаранг) *таждид* “Қуръон ва Суннатга ва уларнинг талабларига бепарволик туфайли йўқолиб кетган нарсаларнинг қайта туғилишини (ихё) англатади”, деб ёзган.³ Ибн ал-Асирнинг (вафоти ҳижрий 606/милодий 1210-й.) таърифи кўпроқ ўша даврдаги яхши ривожланган схоластик майлларни акс эттиради. Шундай қилиб, *таждид* етакчи мазҳаблар меросининг тикланиши (ихё) билан тенглаштирилади. Бинобарин, мужаддид ёки *таждид* ташувчиси “Ҳар асрнинг бошларида уммат учун динни тиклаш ва мос имомларнинг раҳбарлиги остида издошларининг мазҳабларини сақлаб қолиш учун пайдо бўлган таниқли раҳбар”, деб таърифланади.⁴ Ас-Суютий (вафоти ҳижрий 911/милодий 1505-й.) ёзганидек, кенг маънода “диндаги *таждид* унинг ҳидоятини янгилаш, унинг ҳақиқатини тушунтириш, шунингдек, зарарли янгиликларни (*бидъат*), экстремизмни (*ғулув*) ва дин масалаларида бепарволикни йўқ қилишни” англатади. Бундан ташқари, унинг таъкидлашича, *таждид* бошқа кишиларнинг манфаатларига, ижтимоий урф-одагларга, цивилизация ва шариат меъёрларига риоя қилишни ҳам англатади.⁵

XX аср охирида ал-Қарадавий таждидни “*ал-қадим ан-нафи ва ал-жадид ас-солиҳ*”, яъни баракали эскининг тегишли янги билан бирикмаси” деб таърифлаган ва бу ходисани “ташқи дунё учун очиқ, аммо унда эримайдиган” деб тавсифлаган. Олим таждидни *ижтиҳод* билан таққослаб, “*ижтиҳод таждиднинг ақлий жиҳатини акс эттиради, аммо иккинчиси [тиклашнинг] руҳий ва амалий ўлчовларни ҳам ўз ичига олган маънода анча кенгроқ*”, деб қўшимча қилган.⁶ Демак, *ижтиҳод* ва *таждид* ақлий жиҳатдан тахминан бир хилдир, лекин *таждид* жамоа фаолияти ва ҳаракатида намоён бўладиган эмоционал ташкил этувчини ҳам ўз ичига олади. Ал-Қарадавийнинг кўплаб замондошлари, жумладан, Камол Абул Мажд, Мунир Шафик, Умар Убайд Ҳасана, Фатҳи ад-Дариний ва бошқалар уни қўллаб-қувватлаганлар.⁷ Бошқа томондан, Ҳасан ат-Туробий таждидни фақат диндорлик руҳини ва илоҳиёт таълимотларини жонлантириш билан чеклаганларни очиқ танқид қилган. Зеро, *таждид* назарий ва амалий масалаларда шахсий ва жамоавий *ижтиҳодни* назарда тутиши ёки ҳақиқатан ҳам шариятнинг абадий кўрсатмаларини янги воқелик ва ҳолатлар билан бирлаштиришнинг янги намунасини акс эттириши мумкин.⁸ Туробий диний таждиднинг икки жиҳати борлигини қўшади: биринчидан, у шариятни ичкаридан кўриб чиқади ва асосан унинг тикланишидан (ихё) иборатдир, иккинчидан, у татвир ад-динда, яъни диний бойликларнинг диверсификациясида, иштирок этиши мумкин бўлган янги унсурларни киритиш орқали ўз чегараларини кенгайтиради. Келгусида таждиднинг аҳамияти “барча жабҳада тўлиқ тиклашга”, шу жумладан, шўро тамойиллари асосида бошқарув тизими механизмини ишлаб чиқиш орқали сиёсий *ислоҳотлар* соҳасида ҳам кенгайтирилмоқда.⁹

Шундай қилиб, *таждидни* тушунишга ва унинг маъноси тафсирчилар учун нима эканлигига турли омиллар таъсир кўрсатган ва ўша омиллардан бири тарихий омилдир. Унинг маъноси шундаки, тарихнинг турли даврларида бутун жамиятлар, шунингдек, алоҳида шахслар дуч келадиган муаммолар ҳар хил бўлади. Бу омил, шунингдек, айрим одамларнинг таждидни шахсий тажрибаси ва шароитларидан келиб чиққан ҳолда талқин қилиш мойиллигини ҳам ўз ичига олади. Яна бир омил – шарҳловчининг нуқтаи назари ва ихтисослашуви. Ҳуқуқшунос таждидни тарихчи ёки жамиятшуностан фарқли равишда ўзгача тушуниши мумкин. Кўп асрлар давомида ўхшатма тамойилининг ёки тақлиднинг кенг қўлланилиши *таждид* тушунча-

сига таъсир қилувчи бошқа бир омил ҳисобланади.¹⁰ Албатта, вақт омилнинг аҳамияти ҳам кам эмас: XX аср алломаси ёки фақиҳнинг таждидга қарашлари ўтмишдошларининг қарашларидан фарқ қилади. Бу қисман таждиднинг табиатига тааллуқли – у жўшқин, кўп қиррали ва бошқа кўплаб ғоялар ва тамойиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин. *Таждид* тушунчасини ҳар томонлама кўриб чиқиш қатъий илоҳиётга оид доиралардан ташқарига чиқади, шунингдек, Ислом жамияти ва цивилизациясини янгилашнинг долзарб масалаларига тўхталиб ўтади.¹¹ Муҳаммад Имаранинг фикрига кўра, замонавий уммат бошдан кечириётган инқирозли вазиятда *таждид* Муқаддас битик ва янги воқеликни ақл ва *ижтиҳод* таъсири остида уйғунлаштиради.¹²

Исломий *ислоҳотга* оид муҳокамада яна иккита арабча сўзни топиш мумкин, чунончи: *ат-тағийр* ва *ат-татвир*. *Ат-тағийр* (ўзгариш) тушунчаси ё илгари мавжуд бўлган нарсаларнинг тикланиши ва янгилианишини англатади, бу маънода у таждидга тенг келади, ё бу мавжуд ҳолатни прецедентга мурожаат қилмасдан ўзгартириш истагини англатиши мумкин, яъни татвир. Ушбу иккала жараён ҳам босқичма-босқич тикланиш ва *ислоҳ* қилишда иштирок этади, аммо ўзгариш тўсатдан ва мислсиз содир бўлган тақдирда, у савра ёки инқилоб деб тавсифланади. Бундан ташқари, баъзи ўзгаришлар дин номидан қандайдир шубҳали урф-одатларга риоя қилиш натижасида пайдо бўладиган қатламлардан покланишни англатиши мумкин – бу жараён янгилианишнинг ўзига эмас, балки *ат-танқиҳ* (тозалаш) тушунчасига яқинроқдир.¹³ Юқоридагиларни ҳисобга олсак, ушбу тушунчаларни аниқ ажратиб бўлмайди, чунки амалда уларнинг аксарияти ўзаро кесишиб ўтади ва бир-биридан келиб чиқади.

Биз юқорида айтиб ўтган яна бир тегишли тушунча ихё (тиклаш) бўлиб, бу илгари мавжуд бўлган ҳолатни уни такомиллаштириш ёки *ислоҳ* қилиш учун ҳеч қандай уриниш қилмасдан тиклашни англатади. Шунга қарамай, бу баъзи муаллифларнинг янгилианиш ва *ислоҳотни* истисно қилмайдиган ихё тушунчасини кенг маънода ишлатишига тўсқинлик қилмаган. Имом Ғаззолий (вафоти милодий 1111-й.) ўзининг машҳур асарини “*Ихё улум ад-дин*” (Диний илмларнинг тикланиши) деб атаган бўлса, таниқли ҳинд ёзувчиси Воҳидуддин Хон ўзининг машҳур китобини “*Таждид улум ад-дин*” (Диний илмларнинг янгилианиши) деб номлаган. Аслида, ҳинд ёзувчиси томонидан китоб номини танлаш, бошқа томондан, *таждид* ҳақида эмас, бал-

ки фақатгина ихё ҳақида ғояни етказишга қаратилган. Жалолоддин ас-Суютий ўз асарларида *таждид* тушунчасини асосан *ижтиҳод* маъносида қўллаган. Шунингдек, XX асрда ёзилган, тажиднинг турли жиҳатларини очиб берувчи иккита машҳур асар ҳам диққатга сазовордир, чунончи мисрлик Абдулмутаал ас-Саидийнинг “*Ал-Му-жаддидун фий ал-Ислом*” ва Муҳаммад Иқболнинг “*Исломда диний тафаккурнинг тикланиши*”.¹⁴ *Таждид* ҳақидаги нутққа катта ҳисса қўшган бошқа муаллифлар: Муҳаммад Абду, Рашид Ридо, Юсуф ал-Қарадавий, Муҳаммад ал-Ғаззолий, Абул Аъла Маудуди, Ҳасан ат-Туробий, Исмоил Рожи ал-Форукий, Фазлур Рахмон, Таҳа Жабир Алалвоний ва бошқалар. Ушбу олимларнинг барчасини анъанавий маънода мужаддидун деб аташ қийин бўлса-да, шунга қарамай, уларнинг тегишли ғоялар ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси деярли шубҳасиздир. Афтидан, глобаллашув келиши билан, жуда кўп ғоялар ва маълумотларнинг тез пайдо бўлиши билан, ҳамма қабул қилган *таждид* ғояси ҳам ўзгарди.¹⁵

Арабча ан-наҳда ва ас-саҳва (уйғониш, қайта туғилиш) сўзларини қисқача айтиб ўтиш фойдали бўлади, улар одатда ҳаракатни ва ўзгариш зарурлигини билдиради. Ушбу сўзларни ўз шиорларида қўллаган айрим ҳаракатлар ўтмиш меросини тўлиқ жонлантиришга чақирса, бошқалари замонавийлаштириш ва ғарблаштиришни танқид қилишади, шу билан бирга тажидга нисбатан мувозанатлироқ нуқтаи назарга эга бўлганлар ҳам бор.¹⁶

Ўзига хос динамизмни ҳисобга олган ҳолда, тажидни олдиндан белгиланган методология ва тузилиш доираси билан чеклаш қийин. Бу, маълум даражада, мусулмон уламолари *таждид* қаторига нимани ҳаққоний равишда қўшиш мумкин, деган савол билан ўзларининг хайрон бўлганлигини бир неча марта таъкидлаганликларини тушунтиради. Ал-Қарадавийнинг фикрича “ҳақиқий мужаддид (янгиладиган киши) динни диннинг ўзи билан ёшартирувчидир. Синкретизм йўли билан ва динда асос бўлмаган нарсаларни жорий қилиш орқали янгиланиш *таждид* саналмайди”.¹⁷ Шу билан бирга, ал-Қарадавий баъзиларнинг дин ўз ақидалари ва тамойиллари билан *таждид* тушунчасига очиқ эмаслиги ҳақидаги баёнотларини рад этади. Унга қўра, Ислом *таждид* учун аниқ матн асосида очиқ, аммо Ислом таълимотининг асосларини *таждид* номи билан ўзгартириш нотўғри бўлар эди.¹⁸ Бошқача қилиб айтганда, Исломнинг асос солувчи тузилишидан ташқаридаги барча соҳалар *таждид* учун очиқ-

лигича қолмоқда. Таждидга бўлган эҳтиёж ҳам меъёрий, ҳам амалий нуқтаи назардан оқланади. Юқорида айтиб ўтилганидек, жамият тараққиётининг маълум бир босқичида Исломнинг бошланғич туртки ва дастлабки шартлари билан алоқаси тақлид, мустамлакачилик, тийиқсиз дунёвийлик ва глобаллаштириш каби ноқулай шароитларнинг кучли таъсирида заифлашиши ёки ҳатто йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Исломнинг узоқ тарихи, шубҳасиз, ёшартирувчи таждидга ҳам, қақшатқич турғунлик ва тақлидга ҳам гувоҳ бўлган. Қандайдир бир онда асоссиз қатламлар таъсири остида ҳатто ижодий тафаккур ва *ижтиҳод* эшиги ёпилгани эълон қилинган. Уммат қуйидаги каби буюк арбобларга, илҳомлантирувчи мутафаккирлар ва мужаддидларга катта эҳтиёж сезмоқда: Абу Ҳомид ал-Ғаззолий; шариатнинг олий мақсадларига (*мақасид*) қўшган илғор ҳиссаси билан Иброҳим аш-Шотибий (вафоти 1388-й.); сиёсий жонланишнинг хабарчиси Такийаддин ибн Таймия (вафоти 1328-й.); Абдурахмон ибн Халдун (вафоти 1406-й.) ва Шоҳ Валиуллоҳ Ад-Деҳлавий (вафоти 1762-й.) ва бошқалар. Баъзилар ҳатто мужаддидлар қаторига Салоҳуддин ал-Аюбийни (вафоти 1193-й.) ҳам киритадилар.

Ахборотнинг ўта ортиқлиги муаммосига ҳам эътибор бериш керак. Олимлар авлоддан-авлодга диннинг асл таълимотларига ўзларининг шахсий хулосалари ва талқинларини қўшганлар. Бу номақбул таъсир кўрсатди, бунинг сабаби дин янада мураккаблашди ва оддий одамдан узоқлашди. Ўтмишдошлар сингари диний таълимотларни тўғридан-тўғри шахсий тафаккур орқали ўрганиш ўрнига, оддий инсон кўпинча Исломнинг айрим жиҳатларини ўрганишга ихтисослашган одамларнинг талқинларига таянишга мажбур бўлади. Табиийки, ушбу воситачиларнинг фикрлари кўпинча бир-биридан фарқ қилади ва уларнинг ҳар бирини тўғрилигини текшириш машаққатли меҳнатни талаб қилади, бу эса асл хабарларга кўплаб кейинги қўшимчаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада, бевосита алоқа ва мусулмонлар томонидан Исломнинг моҳиятини тушуниш мураккаб қоидалар ва малоллик келтирадиган экстрополяциялар билан алмаштирилади.

ТАЖДИДНИНГ ЁЗМА КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Таждид ўз илдизларини шарҳловчилар томонидан синчковлик билан таҳлил ва талкин қилинган машҳур ҳадиснинг сўзларидан олади. Ушбу ҳадисни келтирайлик: “Аллоҳ Таоло ҳар юз йилнинг бошида сизларнинг динингизни янгилаб берадиган бир мужаддид (динни янгиловчи) юборади – *инна Аллоҳ ябъас ли-ҳадиҳи ал-Умма ғало раъс кулл миғат сана ман южаддид лаҳо динаҳо*”.¹⁹

Бу ерда калит сўз южаддид бўлиб, бирор нарсани янгилаш маъносини англатувчи жаддада илдизидан ҳосил бўлади.

Мужаддид мусулмон жамоасида Исломнинг қўлланилишини янгилайдиган ёки жонлантирадиган кишига ишора қилади. Бинобарин, *таждид* Исломни жамиятда қўллашни тиклаш ва жонлантириш, шунингдек, жамиятни Исломнинг асл йўлига қайтаришни назарда тутди.²⁰ Асосий диққат янги майллар ва шароитларнинг кучли таъсири остида эътиборсиз қолдирилган, четга сурилган ёки бутунлай унутилган Ислом таълимотлари ва тамойилларини тиклашга қаратилган. Демак, мужаддиднинг асосий вазифаси Ислом тамойилларининг поклигини тиклаш ва уларни одамлар орасида тарқатишдир.²¹ Ҳадис шарҳловчиларидан бирининг сўзларига кўра, “*Таждид Қуръон ва Суннатдан четга сурилган нарсаларни жонлантиришини ва ушбу қайта тикланган билим асосида ҳукмларни чиқаришини, шунингдек, ўрнатилган суннатга зид бўлган зарарли янгиликларни (бидъат) йўқ қилишни англади*”.²² Шубҳасиз, бу тавсиф кичик кўшимчалар билан бўлса-да, аввалроқ берилган аз-Зухрий таърифига мос келади, аммо биз уларни кейинроқ муҳокама қиламиз. Ҳадисни шарҳлар экан, ал-Мановий (вафоти милодий 1621-й.) “южаддид лаҳо динаҳо” деганда мужаддиднинг суннатни зарарли янгиликлардан ёки бидъатдан аниқлаб, ажратиб, уларга қарши кураш олиб бориши тушунилади, деб кўшган.²³

Бундан ташқари, тафсирчилар ушбу ҳадиснинг хабари унинг луғавий маъносидан ташқарида эканлигини кўшимча қилишади: уммат келажакда дуч келиши мумкин бўлган мисли кўрилмаган масалалар ва ҳодисалар борасида янгилашиш, тушунтириш ва *ижтиҳод* қилиш зарурлигига ишора қилади.²⁴ Шариат соҳасига тааллуқли ҳуқуқий масалаларда *таждид ижтиҳодга* ўхшайди ва шу сабабдан у усул фикҳда, яъни Ислом ҳуқуқи манбалари ҳақида илмида мустаҳкамланган *ижтиҳоднинг* услубий тамойиллари билан тартиб-

га солиниши керак. Маълумки, *ижтиҳод* Исломий тикланиш ва янгилинишнинг асосий воситаси бўлиб, тажидни ҳам ўз ичига олиши мумкин. Бироқ, улар техник жиҳатдан фарқ қилишадикки, *ижтиҳод* асосан фикрнинг амалий масалалари, ҳуқуқий муаммолар билан боғлиқ бўлса, *тажид* эса унчалик чегараланмаган бўлиб, диннинг барча жабҳаларини, шу жумладан, уммат ҳаёти, унинг ахлоқий қиёфаси, турмуш тарзи ва цивилизациясини камраб олади. Қисқача айтганда, *ижтиҳодни* икки турга бўлиш мумкин: ижодий (*иншоий*) ва изохлайдиган. (*интиқоий*) Ижтиҳод деб ҳисобланиши учун уларнинг ҳар иккиси ҳам ўзига хослик унсурини ва муқаддас битикларнинг раҳбарлик тамойилларини янгича тушунишни ўз ичига олиши зарур.

Шунингдек, кўриб чиқилаётган ҳадис Исломнинг ўлмаслигини ёки ўз аҳамиятини йўқотмаслигини ва Аллоҳ бу умматга Исломнинг асл хабари билан қайта боғланишига ёрдам беришини англатади. Бундан ташқари, ушбу ҳадис Аллоҳ Таоло мусулмонлар умматига тўғри йўлга киришга ва келажакдаги муаммоларни муносиб равишда қондириш учун ўз ўтмиш меросидан таянч топишга ёрдам беради деган умид ва ишонч хабарларини ўз ичига олади.²⁵

Мужаддид қуйидаги фазилатларга эга бўлиши шарт: 1) Исломда нима ўзгариши мумкинлигини ва нима ҳар доим бир хил қолишини аниқ тушуниш. Иймон, ибодат ва ахлоқ асослари, шунингдек, Қуръоннинг аниқ кўрсатмалари Исломдаги ўзгармас нарсалардандир. Ижтимоий муносабатларга оид Ислом тамойиллари эса (муаммолар) турли хил талқин ва мослашувлар учун очикдир. 2) Фавқулурда ҳодисалар билан боғлиқ мажбурий меъёрлар ва шариат ён беришларини (*зарура, руҳса*) билиш. 3) Муқаддас диний битикни тушунишда ақлга мувофиқлик ва мантиқий фикрлаш (таълил) ўрнини билиш. 4) Маслаҳа тамойилини ва одамларнинг қонуний манфаатларини тушуниш. 5) Умумий қабул қилинган урф-одатларга тўғри риоя қилиш.²⁶

Биз кўриб чиқаётган ҳадиснинг мужаддидни бирлик сонда кўрсатиб бериши, маълум бир жойда ва асрда фақат битта мужаддид пайдо бўлишини англатмайди. Бунинг сабаби, арабча “*ман*” олмоши бир одамга ҳам, кўп инсонларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Шунга кўра, тажидни бир киши ҳам, бир гуруҳ шахслар ҳам, бутун бир ҳаракат ҳам бажариши мумкин. Дастлабки олимлар ўз асарларида ёзган алоҳида мужаддидларнинг пайдо бўлишига қарамай, замонавий талқинлар уламолар гуруҳлари, турли соҳалардаги мутахассислар ва олимлар томонидан олиб бориладиган жамоавий тажидни қўл-

лаб-қувватлайди. Мужаддидлардан бири ҳуқуқшунос, бошқаси сиёсатшунос, учинчиси иқтисодчи ва ҳоказо бўлиши мумкин. Ҳозирги шароитда *таждид* ҳам, унга боғлиқ *ислоҳ* тушунчаси ҳам (пастга каранг) гуруҳни амалга оширишга қаратилган. Шунингдек, уларнинг замонавий даврда шахсларнинг ички ҳаётига ва уларнинг жамоавий фаолиятига биргаликдаги таъсири бутунлай янги маъно касб этмокда.²⁷ Бундан ташқари, *таждид* ва *ислоҳ* бир-биридан ажралмасдир, улар худди шахсларнинг ички ўзлиги ва ташқи хулқ-атвори бир-бирига боғлиқ бўлганидек, маъно жиҳатдан ҳам ўзаро боғлиқдир. Масалан, Малайзия ҳақида гапирадиган бўлсак, 1971-йилда пайдо бўлган, шахсни маънавий ва ахлоқий ўзгартиришга чақирадиган, шунингдек, адолатли ва тенг ҳуқуқли жамият манзарасини тасвирлаб берадиган Малайзиянинг Мусулмон ёшлар ҳаракати (*Muslim Youth Movement of Malaysia – ABIM*) асосан *таждид* ва *ислоҳ* ғояларининг бирикмасидан илҳом олган.²⁸

Ислом нафақат шахсларнинг маънавиятига даҳл қилади. Агар маънавийлик ташқи хулқ-атворда ва ижтимоий муносабатларда намоён бўлмаса, унинг ўзи олдиндан бичиб-тўкилган бўлиши, нотўғри талқин қилиниши ва ҳатто ғайриижтимоий сифатида қабул қилиниши мумкин. Бундай баъзи бир тасаввуф ҳаракатлари ҳақида тез-тез эшитса бўлади. Тасаввуфнинг ҳукмрон бўлган йўналиши учун ички руҳий “ўзини” хулқ-атвордаги ташқи кўриниш билан бирлаштириш, шубҳасиз, тавҳидга – Исломнинг асосий тамойилига мос келади. Бинобарин, *таждид* ва *ислоҳ* бир-бири билан узвий боғлиқлигини ва бир-бирининг мантиқий давоми эканлигини кўриш осон.

Бундан ташқари, *таждид* илоҳиёт, фикр ёки ҳадисшунослик каби анъанавий фанлар билан чекланиб қолмасдан, фан ва техника, иқтисодиёт, шунингдек, уммат ва Ислом цивилизациясининг тикланиши учун муҳим бўлган бошқа билим соҳаларига ҳам тегишлидир. Шу сабабдан яна бир муҳим савол туғилади: мужаддид жонлантириши лозим бўлган дин у яшаётган замоннинг динидир, шундай экан, у динни ўз даврининг шартлари ҳисобга олган ҳолда жонлантириши керакми ёки гап Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлик давридагидек, Ислом ҳақида кетаяптими? Ҳадиснинг матни биринчи маънони тасдиқлайди: “*южаддид лаҳо динаҳо*” деган ибора мужаддид пайдо бўлган пайтда у этикод қиладиган динни уммат учун тиклашини англатади. Ҳадисда “Аллоҳнинг дини ёки Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дини, ёки Ислом-

нинг ўзи” дейилмайди, унинг ўрнига уммат амал қиладиган динни ифодалайди.²⁹ Албатта, мужаддид “умматнинг ўтмишидан бирон бир сценарийни қайта яратмоқчи эмас. Аксинча, жамият ушбу энг юксак намуналар ва тамойилларни ўз ҳаётида мужассамлаштира олиши учун у Ислом тамойилларини замонавий шароитда қайтадан кўллаши зарур”.³⁰

Кўриб чиқиладиган ҳадисда “ҳар юз йилнинг бошида” ибораси қандай тушунилиши лозим? Кўпчилик буни сўзма-сўз қабул қилиб, мужаддид қачон пайдо бўлиши кераклиги тўғрисидаги бир қатор иккинчи даражали саволлар ҳақида гапира бошладилар: асрнинг тугадини белгиладиган йил охиридами ёки асрнинг бошидами? Кимдир асрнинг бошланишидан бир ҳафта ёки бир ой олдин вафот этган бўлса-чи? Шундай экан, Молик (вафоти 975-й.), Абу Ҳанифа (вафоти милодий 767-й.) ва Ибн Ҳанбал (вафоти милодий 855-й.) каби машҳур имомлар бу ўринда уларнинг яшаган йиллари бу пухта ҳисобга тўғри келмагани учунгина қаралмайди. Бошқаларнинг фикрига кўра, бир аср мусулмон жамоаси ёки ҳар қандай инсоният жамияти қайта тикланиши керак бўлган вақтни билдиради. Бундай талқин учун Ибн Халдуннинг цивилизацияларнинг кўтарилиши ва кулаши ҳақидаги назарияси асос бўлиши мумкин, ушбу назарияга кўра бу давр тахминан тўрт авлодни қамраб олади. Ибн Халдуннинг даврий модели биринчи навбатда самарали бошқарув, хусусан, унинг адолатга содиқлиги, шунингдек, санъат ва илм ҳолати, ҳунар ва саноат тармоғининг ривожланиши ва хилма-хиллиги билан чамбарчас боғлиқдир.³¹ Ҳадиснинг хабари оддийгина шундан иборат бўлиши мумкинки, *таждид* мусулмон жамоасининг ўз илдизлари билан узлуксиз боғланишини таъминлаш учун зарур бўлган вақт оралиғида содир бўлади. Бу шунинг англатадики, Аллоҳ Таоло ҳар сафар зарурат туғилганда мужаддидни юборади ва бу муайян бир асрдаги исталган пайтида юз бериши мумкин.³² Баъзи олимлар мужаддид ғалаён ва ташқи тажовуз пайтларида фавқулудда зарур бўлиб қолишлигини таъкидлашган. Шу сабабли машҳур “*Сунан Абу Довуд*” номли ҳадислар тўпламининг муаллифи Абу Довуд Сижистоний “мусибатлар ва саросималар” (*китобул малоҳим*) бобида *таждид* ҳақидаги ҳадисни биринчи ўринга қайд этгани эътиборга моликдир.³³

Юқоридагилардан келиб чиқадигани, таждиднинг дастлабки шартларидан бири жамият ва авлоднинг таназзулга учраши билан тавсифланадиган маълум даражадаги турғунликдир. Мужаддиднинг

вазифаси уларни ўз бурчларини бажаришга ундаш ва огоҳлантириш, шунингдек, уларда ҳаракат қилиш ва яхши томонга ўзгариш истагини кўзгатишга тиришишдир.³⁴ Муслмонлар, ҳам шахслар сифатида, ҳамда гуруҳлар сифатида ўз навбатида Қуръондан “...Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунарлича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас...”, деган эълонга алоҳида эътибор қаратишлари лозим. (Раъд сураси, 13:11)

Кўпгина олимлар Умар ибн Абдулазизни (вафоти ҳижрий 101-й./милодий 719-й.) ва Имом аш-Шофеъийни (вафоти ҳижрий 205-й./милодий 895-й.) ҳижрий биринчи ва иккинчи асрлардаги мужаддидлар деб аташган. Бундан ташқари, Абул Ҳасан ал-Ашъарий (вафоти ҳижрий 324-й./милодий 936-й.), Абу Бакр ал-Боқиллоний (вафоти ҳижрий 403-й./милодий 1013-й.) ва Абу Ҳомид ал-Ғаззолий (вафоти ҳижрий 505-й./милодий 1111-й.) мужаддидлар сафидан ўрин олишган. Уларнинг исмлари кейинги уч асрда – учинчи, тўртинчи ва бешинчи асрларда маълум бўлди. Бироқ, кўпгина ҳолларда фақат биринчи иккита исм берилади, қолганларига келсак, шарҳловчилар ўзлари эргашган мазҳабларнинг таниқли олимларининг исмларини келтиришга мойилдирлар.³⁵

Мазҳабларнинг пайдо бўлиши ва ойдинланиши тақлид ғояларининг тарқалишида, яъни обрўли олимларга сўзсиз эргашишида ҳал қилувчи омил бўлиб, бу, ўз навбатида, “*ижтиҳод эшигини ёпиш*” деб аталишига ҳамда эркин изланиш ва билим руҳининг бостирилишига ўз хиссасини қўшган. Демак, тақлид ҳукмронлиги ва *ижтиҳодни* бостириш пайтида *таждид* ҳақида гапириш маъносизликни англа-тадимми? *Таждид* бутунлай тўхтаб қолган, деб айтиб бўлмайди, чунки олимлар асосан ўз мактаблари доирасида бўлса ҳам, таждиднинг чекланган тури ҳақида гапиришдан тўхташмаган.

Яна бир савол туғилади: биз кўриб чиқаётган ҳадисда бутун уммат учун мужаддид ҳақида гапириладими ёки ҳар бир мамлакат ва жамоанинг ўз мужаддиди бўлиши мумкинми? Жавоб *таждид* Исломнинг янгиланиши сифатида, асосан, бутун уммат учун мўлжалланганлигидан келиб чиқади. Шунга қарамай, шуни қўшимча қилиш керакки, амалий нуқтаи назардан, Исломнинг кенг ҳудудий камровини ҳисобга олган ҳолда, умматнинг алоҳида минтақавий ва жуғрофий қисмлари ўз мужаддидларига эга бўлиши мумкин.³⁶ Баъзи дастлабки шарҳловчиларнинг таъкидлашича, *таждид* ҳақидаги ҳадис аслида Пайғамбар оиласининг аъзоларигина (*аҳл ул-Байт*) *таждид*

ташувчилар ёки мужаддидлар бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Лекин, бундай фикр оила ва олимларнинг келиб чиқиши эмас, балки билим ва ақл-заковат даражаси муҳимлигини таъкидлайдиган бошқа кўплаб ҳадисларнинг умумий руҳига зиддир. Агар бундай қараш қанақа бўлса ҳам бирорта асосга эга бўлса, на Умар ибн Абдулазиз, на аш-Шофъий ва на бошқа кўплаб аҳл ул-Байтга мансуб бўлмаган олимлар биринчи навбатда муваффақиятга эриша олмас эдилар. Бу борада, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, меҳр-муҳаббат белгиси сифатида, Салмон ал-Форисийни унинг оиласининг аъзоси бўлмаса ҳам, унинг аҳл ул-Байтидан бири деб атаган ҳадисни эшлаш ўринлидир.³⁷

Ал-Қарадавий таъкидлаганидек, ушбу ҳадисда *таждид* динни янгича тушунишни, ўз иймонини тасдиқлашни ва Исломининг ҳақиқий тамойилларига риоя қилишга қайтишни англатади. Унга кўра, ҳадиснинг асосий хабари вақт ўтиши билан, ҳар бир янги авлод ва аср келиши билан ижтимоий ўзгаришларнинг муқаррарлигидир. Ҳадиснинг ўзи ҳеч қандай махсус тақвим ёки ҳисоблаш негизини кўрсатмасдан оддийгина ҳар бир асрнинг бошланиши ҳақида гапиришига қарамай, аксарият тафсирчилар ҳижрий аср ва исломий тақвимни асос қилиб олишади. Шундай бўлса-да, агар талқинда бошқа тақвим ёрдамида берилган вақт оралигининг эквиваленти қўлланилса, жиддий эътирозлар йўқ. Асрни ҳисоблаш Муҳаммад Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилган ёки вафот этган санасидан бошланиши керакми деган саволга келсак, Ал-Қарадавий кўп жиҳатдан янги бошланишни белгилаган энг муҳим воқеа Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага кўчиб боришлари бўлганлигини таъкидлайди, шу сабабли бу *таждид* учун энг мос жўналиш нуқтасидир.³⁸ Худди шу сабабдан, Исломий тақвим айнан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат қилганлар пайтдан бошланади.

Айрим шарҳловчилар *таждид* тушунчасига диндаги зарарли янгиликларга қарши курашни “*каср ал-бидъат*” (*kasr al-bid'ah*) ҳам киритганлар. Ушбу кўшимча Хорижийлар, Мутазалийлар ва фикҳнинг турли мактаблари орасидаги кўрсатишлар каби мазҳабпарастлик намоишлар натижасида пайдо бўлганга ўхшайди. Ўшандан бери муҳаддислар (ҳадислар билан шуғулланадиган илоҳиётчилар) ушбу ҳадис доирасида бидъат тушунчасини ҳам кўриб чиқмоқдалар. Бироқ, чуқурроқ таҳлилдан келиб чиқадики, *таждид* бидъатга қар-

ши курашни ўз ичига олиши мумкин бўлса ҳам, бу унинг мажбурий унсури эмасдир. Андалусиялик ҳуқуқшунос Иброҳим аш-Шотибий (вафоти милодий 1388-й.) ҳақли равишда таъкидлагандек, ҳадис ижобий хабарни ўз ичига олади, шунингдек, умумбашарий манфаатни ва маслаҳани батафсил кўриб чиқади.³⁹ Бошқача қилиб айтганда, ушбу ҳадис мазҳаб билан, тарафкашлик билан талқин қилинмаслиги зарур. Обид ал-Жобирий, аш-Шотибийнинг мулоҳазаларини изоҳлар экан, бизнинг замонамизда янгиланиш ва таждид, умумбашарий манфаатларни касб этган, шунингдек, ўтмишда инсоният дуч келмаган муаммо ва масалаларга амалий ечимларни излашни англатади, деб ёзган.⁴⁰

ИСЛОҲ ВА ТАЖДИД: XX АСР РИВОЖЛАНИШЛАРИ

Ислоҳ (ислоҳот) тушунчасининг замонавий тушуниши XX аср олимлари Муҳаммад Абду (вафоти 1905-й.), Муҳаммад Рашид Ридо (вафоти 1935-й.) ва уларнинг устози Жамолиддин Ал-Афғоний (вафоти 1987-й.) асарларидан келиб чиқмоқда. *Ислоҳ* сўзининг Қуръон маъноси “ярашиш”, “тинчликка интилиш” ва “тақводор амаллар” маъноларини қамраб олади, улар ҳақида қуйида муҳокама қилиб ўтамиз.

Қуръонда салот (*ṣalāh*) ва *ислоҳ* одамларнинг умумий манфаатларини кўзда тутувчи ҳаракатларга ишора қилади. Шундай қилиб, мўминлар яхши ва тавсия этилган ҳаракатларни (*маъруф*) ёки одамлар ўртасида тинчлик ўрнатишга қаратилган ҳаракатларни (*ислоҳ бейн ан-нос*) назарда тутиладиган “амал солих” тақводор хулқ-атворга чақирилади. (Нисо сураси, 4:114) *Ислоҳ*, шунингдек, унинг акси бўлган бадахлоқликни (фасод) йўқ қилишга ишора қилади. (Аъроф сураси, 7:56) Ҳатто инсоннинг тинчлик ва солихликка эришиш нияти ҳам унга ажр келтиради, чунки “...Аллоҳ бузгунчини (*муфсид*) ҳам, *ислоҳчини (муслиҳ)* ҳам билади...” (Бақара сураси, 2:220), шунингдек, Аллоҳ муслиҳларни ва инсоният манфаати учун художўй амалларни қилганларни мукофотлайди. (Аъроф сураси, 7:170)⁴¹

Ислоҳ ва *таждид* ўртасидаги яқин боғлиқликни янада кўп кузатиш мумкин, чунки таждиднинг ўзи охир-оқибат *ислоҳга* қаратилган бўлмаса, у ҳеч нарсага англамайди. *Ислоҳ*, албатта, устунлик қилувчи диний, маданий ва ақлий мавжуд ҳолатга шубҳа туғдиради. Унинг муқаддас ёзувлардан келиб чиқиши ва изчилликнинг чегараларини

белгилайдиган мувофиқликнинг пайдо бўлиши Ислом тарихидаги *ислоҳ-таждиднинг* салоҳияти ҳақида гапиришга имкон беради. Ум-матнинг диний ва маданий ривожланишини рағбатлантириш жараёнида *ислоҳ-таждид* анъанасининг асосий вазифаси ҳамиша унинг бирлиги ва жипслашганлигини сақлаб қолишдан иборат бўлган. Шу маънода, йигирманчи аср чегарасида *ислоҳотлар* лойиҳасининг муҳим мақсади мусулмонлар ўртасидаги мувофиқликни тиклаш эди. Шу билан бирга, XX асрнинг Исломий тафаккури фақат ички Ислом муҳитида шаклланмасдан, балки сезиларли ташқи таъсир остида ёки ғарб ва ғарбий бўлмаган ғоялар ва таълимотларнинг ташқи чақирувларига муносабатдир, деган тушунча мавжуд.⁴²

Ислом мазмунидаги *ислоҳ* тушунчасининг ягона таърифи йўқ. Бу қисман деярли ҳар бир мазҳаб ҳаракати ўзини *ислоҳнинг* вакили деб аташи билан боғлиқ. Баъзи мезонларга кўра, ҳатто ўта консерватив ваҳҳобийлар ҳам *ислоҳотчилик* ҳаракати ҳисобланади, бунинг сабаби улар динни янгиликларнинг зарарли таъсиридан тозалаш ва дастлабки Исломнинг асл соддалигига чақиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Муҳаммад Абду уни таждидга яқинлаштирадиган *ислоҳга* қуйидаги таърифини беришга ҳаракат қилган:

Динни, Худо томонидан инсон ақл-заковатига қўйилган идрок меъёрларига эътибор бериб, Ислом манбаларига бевосита мурожаат қилиш орқали, бу умматнинг ўтмишдошлари (*салаф*) келишмовчиликлар пайдо бўлишидан олдин қилган тарзда тушуниш учун тафаккурни тақлид кишанларидан озод қилиш. Бу чалкашликларни бартараф этиш ҳамда инсониятни ва дунё тартибини сақлаш борасида Худонинг иродасини бажаришга хизмат қилиши керак.⁴³

Ушбу жуда узун тавсиф Ғарбнинг замонавийлаштириш ва мулоҳазакорлик изларини *ислоҳ* тузилишига қўшишга уринаётгани учун танқид қилинган. Шунга қарамай, Муҳаммад Абду, Жамолиддин ал-Афғоний, Хайруддин ат-Тунисий (вафоти 1899-й.), Абдурахмон ал-Кавакбий (вафоти 1903-й.) каби *ислоҳ* ҳаракатининг етакчи вакиллари ўзлари Ғарбга кўр-кўрона тақлид қилишни танқид қилганлар. Ибн Рушд ал-Қуртубий (вафоти 1198-й.) таълимоти билан бир қаторда ал-Афғоний ва Абду ақл ва иймон бир-бирига мос келмаслигини тан олишдан бош тортишган. Уларнинг фикрича, мусулмон руҳонийлари тақлиднинг фойдаларни тарғиб қилишда давом этса-

лар, *ислоҳотчилик* ҳаракати тамоман муваффақиятсизликка дуч келади. Бундан ташқари, Ислом тарафдорлари замонавий муаммолар замонавий жавобларни талаб қилиши нуқтаи назаридан *ижтиҳод* зарурлигини доимо таъкидлаб келганлар.⁴⁴

Салафийлик *ислоҳ* ҳаракати ваҳҳобийликдан шу билан фарқ қиладики, иккинчиси мусулмон жамоасини илоҳий ғазабдан қутқариш учун диний амалиёт ва тафаккурни ҳар хил ёт унсурлардан тозалашга қаратилган. Ваҳҳобийлар Исломнинг барча тасаввуф кўринишларига қарши, улар *ислоҳотларнинг* ижобий томонларини химоя қилишдан кўра бидъатга қарши кураш билан кўпроқ шуғулланишади. Ушбу ҳаракат ҳам замонавий ҳаёт шароитларига яхшироқ мослашиш учун матнларни қайта кўриб чиқишга ва *ижтиҳодга* эҳтиёж сезмайди.⁴⁵

Абду ва Ридо асос солган *ислоҳотчилик* ҳаракати кейинчалик иккита тармоққа бўлиниб, улардан бири замонавийликка “*ал-ҳадоса*” (*al-ḥadāthah*), иккинчиси ўтмиш тажрибасининг тикланишига “*ас-салафийя ал-ихёвийя*” (*al-salafiyyah alihyā'iyah*) тортилган. Биринчи тармоқ асосан Қосим Амин, Лутфий Ас-Сайид, Ҳусайн Хайкал каби XX аср олимларининг ғоялари билан боғлиқ бўлса, иккинчиси хусусан Абду ва Рашид Ридонинг фикрларига тааллуқлидир. Ислоҳотчилик фикрнинг центристлар мактаби Мустафо ал-Марагий, Али Абдурозик, Махмуд Шалтут, Абдуллоҳ Дарроз ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган.⁴⁶

Шу билан бирга, баъзан Салафийя (*салаф* – “*тақводор ўтмишдошлар*” сўздан келиб чиқади) бузилишларга дучор бўлади ва масалан, “Ал-Қоида” томонидан ишлатилади. Бироқ, Насар Меер тўғри таъкидлаганидек, ҳеч қандай нисбат бериш салафийларнинг аслида ҳеч қандай тарзда терроризм билан боғлиқлигини ёки терроризм ёки экстремизмга мойиллигини англатмайди. Шу нуқтаи назардан, фақат “салафий” сўзининг бузилган маъносини қўллаш мумкин. Террорчилар, албатта, бирон бир ҳаракат билан ҳақиқий ёки тахмин қилинган алоқада бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳаракатларига қараб баҳоланиши керак.⁴⁷

Янгиланишлар ва *ислоҳотлар* 1924-йилда Усмонлилар Империяси қулаганидан кейин янада ривожланди. Ал-Афғоний ва ал-Кавакбий каби баъзи *ислоҳотчилар* диннинг янгиланишини йирик сиёсий *ислоҳотлар* билан боғлашган. Масалан, Куръондан “шўро” (*маслаҳат*) тамойилининг давлатни бошқариш соҳасига ва унинг сайловчилар олдидаги ҳисобдорлигига киритиши. Бошқа *ислоҳот-*

чилар ҳам аёлларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга ҳаракат қилганлар. Муҳаммад Абду ва Муҳаммад ал-Ғаззолий Ислому ва аёлларнинг тенгсизлиги ўртасидаги боғлиқликни қатъиян рад этиб, бу ҳолат жоҳиллик ва Ислому матнларини нотўғри талқин қилиш натижаси, деб таъкидлашган. *Ислоҳот* тарафдорлари, шунингдек, Исломуий таълимни қайта тиклаш ва илмуий билимларни Исломуий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига қўшиш ғояларини илгари сурганлар.

Сайид Ҳусайн Наср тажиднинг *ислоҳ* олдида устунлигини ҳимоя қилади, чунки *тажидид* *ислоҳда* мавжуд бўлмаган Исломуий илдиизларга эгадир. Наср, замонавий дунё муаммоларига энг муҳим Исломуий жавобларнинг манбаи бўлган тажид, деб ҳисоблайди.⁴⁸ Муқаддас китоблардаги тажиднинг чуқур илдиизлари инкор этилмайди, аммо кенгроқ маънода *тажидид* ва *ислоҳ* бир-бирини тўлдиради, деб ишонч билан айтиш мумкин. Ислому тамойиллари ва ақидаларининг бутун доирасини ҳисобга олган ҳолда, *ислоҳ*, ҳатто аниқ матнга асосланмаган бўлса ҳам, муқаддас битикларда белгиланган Исломунинг раҳбарлик тамойиллари руҳига ва маъносига тўлиқ мос келади. Дарҳақиқат, Ал-Афғоний ва Абду ташаббуси билан бошланган *ислоҳ* ҳаракати XX асрда тажид ҳақидаги янада қизгин муҳокамага туртки бўлган.

Ҳадисларга биноан, барча мусулмонлар, ҳам эркаклар, ҳам аёллар илмга интилишлари шарт. Ислому билим ва тақводор хулқ-атвор (амал солих) ўртасидаги узвий алоқани ҳимоя қилади. Яхшилиқни рағбатлантириш, ёмонлиқни тақиқлаш ва одилона иш тутиш тўғрисидаги буйруқлар – буларнинг барчаси биргаликда мусулмон жамоасида *ислоҳ* ва тажиднинг жўшқин истиқболини яратмоқда. Исломда яққол кўриниб турган илму ва *ислоҳ* тушунчалари ўртасидаги ички боғлиқлик ҳам мужаддиднинг обрўли олим бўлиши зарурлигини билдиради. У, албатта, яхшиликка интилиши ва ёмонлиқдан қайтиши, одамларнинг ишларини тартибга солиши, улар ўртасида адолат ўрнатиши, ёлғон олдида ҳақиқатни ҳимоя қилиши ва золимлар олдида мазлумларни қўллаб-қувватлаши керак.

Тажидид ва *ислоҳнинг* замонавий шароитидаги кенгроқ бирлаштирилган тушунчасининг сўнги таърифларидан бири Ислому Конференцияси Ташкилоти (ҳозирги Ислому Ҳамкорлик ташкилоти) Давлат раҳбарлари Саммитининг Макка Декларацияси матнида келтирилган (2005-й. декабрь):

Барча ҳукуматлар ва халқлар *ислоҳотлар* ва таракқиёт бизнинг Ислом жамиятимизда шаклланган доира ичида барча интилишларни йўналтириш лозим бўлган устунликлар эканлигига бир овоздан ишонч билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ушбу доиралар самарали бошқарувга, сиёсий иштирокни кенгайтиришга, қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ижтимоий адолатга, тиникликка ва жавобгарликка етишга, коррупцияга қарши курашга ва фуқаролик жамиятнинг муассасаларини яратишга эришиш учун инсоният цивилизацияси ютуқлари билан уйғун бўлиши, шунингдек, маслаҳатлар, адолат ва тенглик тамойилларига асосланиши керак.⁴⁹

Шиаликнинг етакчи файласуфи ва илоҳиётчиси Муртазо Мутаҳҳарий (вафоти 1981-й.) ўзининг “*Ал-Ишқолийя ал-Ислоҳийя ва Таждид ал-фикр ал-Исломи*” (Исломи тафаккурни *ислоҳ* қилиш ва янгилашдаги қийинчиликлар) китобида *таждид* масаласини батафсил муҳокама қилади. Унинг назарида *таждид* ёки Исломнинг тикланиши, диннинг аҳком ва тамойилларини ўзгартириш ёки бирон бир таълимотни бекор қилиш орқали уни қайта тиклаш ёки янгилаш дегани эмас. Билъакс, мўмин руҳининг жонланишига олиб келадиган динга нисбатан тафаккурнинг янгиланиши ҳақида айтилмоқда, бу эса, ўз навбатида, унинг ҳаракатлари йўналишига таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, янгиланиш дин сифатида Исломнинг ўзи эмас, балки одамларга ва уларнинг фикрлаш тарзига тегишлидир.⁵⁰ Мутаҳҳарийнинг тушунчасида янгиланиш ҳаракатга олиб келадиган долзарб талқинда ифодаланади: матнни турли йўллар билан тушуниш мумкин ва таждидга тавсия этилган ёндашув ҳозирги воқеаларни ҳисобга олган ҳолда янгича ёндашувдир. Бундай ёндашув динни сохта тажрибанинг қолдиқлари бўлган, уни оғирлаштирадиган ва заифлаштирадиган қатламлардан тозалашга ҳам қодир.⁵¹

Таждиднинг ушбу тавсифи ал-Қарадавий ва бошқа кўплаб сунний мутафаккирлар томонидан берилган таърифга жуда яқин, деб айтиш мумкин. У ҳам унинг суннийлик ҳамфикрлар каби Исломнинг ўзгарувчан ва ўзгармас тамойиллари “*мутағайирот ва савобит*” (*mutağhayirāt and thawābit*) ўртасида аниқ чегара чизиб, иккинчисининг янгиланиш ва таждидга мубтало бўлмаслигини таъкидлайди. Бундан ташқари, олим ақл ва мўътадиллик (*vasatīyā*) асосида ақлга мувофиқлик, ҳиссиёт ва *ижтиҳодни* бирлаштиришни таклиф қила-

ди. Мутахҳарий, агар билимга мотивация етишмаса, у ҳаракат ҳосил қилмаслигига амин эди. Мутахҳарий қарашларининг ушбу қисмида ақлга нисбатан баъзи шиалик ҳуқуқий постулатларининг таждидга бўлган ёндашувига қўшилиши кузатилади.⁵²

Бундан ташқари, Мутахҳарий *таждид* доирасини кенгайтиради: у янгиланиш дин билан чекланиб қолмай, балки фалсафа ва илм-фанга ҳам ёйилишини ёзади. Таждидга фалсафий нуқтаи назарнинг кiritилиши уни турли хил нарсалар ҳақидаги қарашларимиз, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишимиз билан тўлдиришга имкон беради ва умуман дунёқарашимизга таъсир қилади. Илм-фан ҳамма нарсанинг қандай ишлаши ҳақида фойдали билимларни беради, дин эса умид ва мотивацияни, шунингдек, инсон мақсадларига трансцендентлик ва муқаддаслик бериш қобилиятини уйғотади.⁵³

ИСЛОМИЙ РЕВИВАЛИЗМ, ЗАМОНАВИЙЛИК ВА ТАЖДИД

“*Исломий модернизм*”, “*Исломий ревивализм (уйғониш)*” ва “*Исломий ислоҳот*” иборалари ислоҳ ва *таждид* тушунчалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, юқорида айтиб ўтилганидек, одатда, ал-Афғоний, Абду ва Ридога тааллуқлидир. Ушбу ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида Исломий модернизмнинг конституционизм, илмий тадқиқотлар, замонавий таълим усуллари, аёллар ҳуқуқлари, маданий тикланиш ва бошқалар каби замонавий кадриятларни Ислом тамойиллари ва постулатлари билан уйғунлаштиришга қаратилганлиги кузатилади. XX аср охиридаги Исломий ревивализм (уйғониш) *таждид* ва диний муқаддас битикларда белгиланган тамойиллар ўртасидаги умумийликнинг янада мустаҳкамланишига олиб келди. Ислом манбалари асосида тикланиш ва янгиланиш соҳалари ва миқёсларини очиб берувчи иккита муҳим асар Муҳаммад Иқболнинг “*Исломда диний тафаккурнинг тикланиши*” асари (*The Reconstruction of Religious Thought in Islam*, 1955-йилда Аббос Маҳмуд Ал-Аққод томонидан араб тилига таржима қилинган) ва Абдулмутаал ас-Саидийнинг “*Ал-Мужаддидун фий ал-Ислом мин ал-Қарн ал-Аввал ило ар-Робий Ашар*” асаридир. (ўша йили ёзилган) Худди шу мавзунини Амин ал-Хулий ўзининг дастлаб мақола сифатида чоп этилган “*Ат-Таждид фий ад-Дин*” номли китобида ёритган.

Қизиғи шундаки, Ас-Саидийнинг 1950-йилларнинг бошларида нашр этилган “*Тарих ал-Ислоҳ фий ал-Азҳар*” (*Азҳардаги Ислоҳот-*

лар *Тарихи*) китоби деярли бутунлай *ислоҳ* тушунчасига бағишланган бўлиб, унда 1955-йилда кейинги китобининг марказий мавзусига айланадиган таждид ҳақида деярли ҳеч нарса айтилмаган.⁵⁴ Ушбу фикрнинг ўзгаришининг асосий сабаби, биринчи навбатда, Ғарб замонавийлаштиришининг чуқурроқ таъсиридан хабардор бўлиш ва *ислоҳ* тушунчасини Ислом билан унчалик ўхшашлик бўлмаган фикрлар билан аралаштириб юбориш эди. Иккинчидан, мустамлакачиликдан кейинги даврда асосан сиёсий шиорлардан ташкил топган миллатчилик ва дунёвий мафкураларнинг тарқалишидир. Бунга арабларнинг Исроилдан мағлубияти ва кўплаб мусулмон мамлакатларида Исломиё ҳаракатлар ва ҳукмрон ҳукуматлар ўртасида юзага келган кураш кўшилган. Инқироз муҳити ўсиб бориши билан *ислоҳ* муқаддас битикда чуқурроқ асосга эга бўлган таждидга йўл бера бошлаган эди.

Фазлур Раҳмон (вафоти 1988-й.) Абду томонидан *ислоҳот* зарурлигини тан олганини юқори баҳолаган, шунингдек, Ҳасан Ал-Баннанинг (вафоти 1949-й.) ва Абул Аъла Маудудининг (вафоти 1979-й.) Исломиё модернизмдаги ҳаддан ортиқ ҳолатларга қарши курашиш ва Исломни дунёвийликдан ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини маъқуллаган. Шу билан бирга, у ушбу олимларни “усул” йўқлиги ва улар энг муҳим масалалар бўйича таклиф қилган қарорларнинг жойланиш табиати учун танқид қилган. Фазлур Раҳмон, ўз навбатида, янги Ислом методологиясини шакллантиришга ҳаракат қилган эди, чунки унинг фикрига кўра, анъанавий усуллар мусулмон тафаккурининг замонавий даврнинг ақлий доирасига киришига йўл қўймаган эди. У ўз эътиборини Қуръонга ва хусусан, уни тўғри тафсир қилиш услубига қаратган. Раҳмоннинг вазифасини Қуръонга йўналтирилган ахлоқни шакллантириш учун Қуръоннинг жўшқинликни тиклашга уриниш деб таърифлаш мумкин. Негаки аниқ шаклланган ахлоқий тизимсиз Исломни қадрлаш қийин.⁵⁵

Фазлур Раҳмон анъанавий илм-фаннинг “атомистик ёндашувини” танқид қилган. У ҳуқуқшунослик услубида қонуннинг негизи бўлиши керак бўлган кенг қамровли ижтимоий-ахлоқий назария йўқ, деб ҳисоблаган. Дарҳақиқат, юқори даражада тузилган ҳуқуқий тизимни ривожлантиришга бўлган интилишда ҳуқуқшунослар бундай назариянинг натижаси бўлиши мумкин бўлган мослашувчанликни эътиборсиз қолдиришган.⁵⁶ Фазлур Раҳмон Қуръон билан Ҳижоз халқи ва умуман бутун Арабистоннинг диний, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ўртасидаги яқин алоқани батафсил баён этган. Бироқ,

вақт ўтиши билан бу боғлиқлик Ислом илоҳиёти ва ҳуқуқи масалалари бўйича давомли мунозаралар таъсири остида заифлашиб, тобора ортиб бораётган тафовутга олиб келган. Кишилар ваҳийни инсоният учун эришиб бўлмайдиган тарихий ва трансцендент нарса сифатида қабул қила бошладилар. Баъзи матнларни тушунтиришда ҳаётий зарур роль ўйнаган ваҳий ҳолатларига (*асбоб ан-нузул*) тобора камрок эътибор берила бошланди, шунингдек, тафсир, фикҳ, илоҳиёт ва мусулмонларнинг ҳақиқий ҳаёти ўртасидаги боғлиқлик янада заифлашди.⁵⁷ Мусулмонлар ахлоқ бўйича ўз асарларини асосан шариат доирасидан ташқарида, аниқ юнон ва форс манбаларига таянган ҳолда тузганликлари ҳам диққатга сазовордир.⁵⁸

Жамолиддин Атия фикҳ соҳасидаги *таждид* бўйича ўз асарларида кўплаб соҳаларда фикҳни қайта кўриб чиқиш ва янгилашни талаб қиладиган бир қатор масалаларни кўтарган. Топиниш масалаларидан бошлаб (ибодат), Атия таъкидлайдики, ибодатнинг маънавий таркибий қисмига зарар етказадиган маросим ҳаракатларига ҳаддан ташқари кўп эътибор берилади. Психологлар намоз ўқиш ва рўза тутиш мўминнинг руҳий ҳолатига ва феъл-атворининг шаклланишига ижобий таъсири ҳақида гапирар экан, фикҳда бу жиҳат ўтказиб юборилган. Никоҳга келсак, Қуръон уни “севги ва раҳм” риштаси (*мавадда ва раҳма*) сифатида тавсифлайди, аммо фақиҳ олимлар уни Қуръоннинг ҳақиқий руҳидан ва унинг инсон кадр-қиммати (*карома*), холислик ва адолатли муносабат (*ал-адл вал-иҳсон*) ҳақидаги умумбашарий ҳабаридан бутунлай чиқиб кетган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги шартномага (*ақд ат-тамлик*) туширганлар.⁵⁹ Бунинг ўрнига, ибодат ҳам, никоҳ шартномаси ҳам расмийчиликларга, уларнинг таркибий қисмлари ва шартларига (аркон ва шурут), мавзунинг моҳияти ва руҳидан узоқ бўлган ва ўрта аср жамиятининг кадриятларини акс эттирадиган аниқ тузилган тавсифларга келтирилган.⁶⁰ Ҳар ҳолда Ислом дини бирлик (*тавҳид*) дини бўлиб, фикҳ мактабларининг ёки мазҳабларнинг мусулмонлар бирлигига бўлинувчи таъсири эса бўрттирилган ёки нотўғри талқин қилинган. Ҳуқуқ мактаблари илмий тадқиқотлар ва *ижтиҳоднинг* кенглигининг намоён бўлиши эди, лекин бу йўналиш йўқолиб, улар мутаассиблик ва тарқоқлик воситасига айланишган. Шунга ўхшаш тарзда, тақлид давридаги фикҳ илми умумий назариялар ва ҳар томонлама раҳбарлик тамойилларини ишлаб чиқиш ўрнига тафсилотларга қаратилган ва қонунга атомистик ёндашувдан фойдаланилган. Бундан ташқари, фикҳ, Ислом эътиқодлари ва ахлоқий

меъёрлари ҳамда буларнинг барчаси бошқарув билан қандай боғлиқ бўлиши кераклиги ўртасида маълум бир номувофиқлик мавжуд.⁶¹

Дарвоқе, Атия, ўз ҳикоясига кўра, ал-Қарадавийдан ёшлигида Миср масжидларидан бирида оқшомларда Шом ва Хуфтон намозлари орасида ўтган Рамазон дарсларига қандай қатнашгани ҳақида эшитган. Дарслар таҳорат ва покизалиқ ҳақида бўлган. Шунда ал-Қарадавий ҳазил билан “биз 30 кечанинг ҳаммаси ушбу мавзудан нарига ўтмаганмиз”, деб қўшиб қўйган. Келинг, энди буни Пайғамбарнинг ёндашуви билан солиштирайлик, бадавий унинг олдига келиб, қандай намоз ўқишни сўраганида, Пайғамбар соллалоҳу алайҳи васаллам унга шунчаки: “Мени намоз ўқиётганимни кўрганингдек намоз ўқи”, дедилар.⁶²

Муҳаммад Салим ал-Ава ўзининг “*Ал-Фикҳ ал-ИсломиЙ фий Тариқ ат-Тажид*”⁶³ китобида таклиднинг узоқ вақт ҳукмронлиги туфайли фикҳнинг турғунлиги ҳақида сўз юритиб, замонавий ечимларни талаб қилувчи бир қатор масалаларни кўтаради. У ҳам сиёсий ҳуқуқшунослик (*ал-фикҳ ас-сиёсий ёки ас-сиёса аш-шарийя*) Куръоннинг маслаҳат (*шўро*) ва масъулият тамойилларини бирлаштира олмаганини қайд этади. Ал-Аванинг таъкидлашича, давлат раҳбарининг ваколат муддатини чеклаш энди танлов эмас, балки заруратдир, шунингдек, фуқаролик уюшмалар эркинлиги, миллий давлат шароитида сиёсий партиялар ва бошқа мамлакатлар билан тинч муносабатлар каби саволларга тегишли жавоблар бериш учун фикҳнинг бошқа кўплаб соҳаларини ҳар томонлама *ижтиҳод* орқали ривожланиш зарурлигини талаб қилади. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш, судья ва гувоҳ сифатида иштирок этиш ҳуқуқлари, шунингдек, унинг яшаш ҳуқуқида мутлақ тенглик масаласига келсак, мисол учун, қон нархи ёки дия масаласини олганда, баъзи илмий асарлардан келиб чиққан ҳолда, улар аниқ камситувчи бўлган. Шунга ўхшаш саволлар қуйидаги масалалар билан боғлиқ: мусулмон бўлмаганларнинг асосий ҳуқуқлар; жон солиғини (*жизья*) жорий этиш; Исломнинг санъат ва мусиқага нисбатан фикри; муртадликка ва далиллар қонунига тааллуқли жиноят қонунининг масалалар. (хусусан далилларни тўплашнинг замонавий ва ишончли илмий усулларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиши керак бўлган далилларни тўплаш усуллар)

Салим ал-Аванинг юқорида тилга олинган китоби Жамол ал-Баннанинг “*Наҳва Фикҳ Жаид*” (Янги Фикҳ сари) асарини кўриб чиқиш

билан бошланади, унда ал-Ава фикҳни янгилашнинг баъзи мураккаб жихатларига ёндашувларидаги муштарак томонларни таъкидлайди. Бироқ, у ўз ёндашуви ва ал-Баннанинг ёндашуви ўртасидаги фарқни белгилайди: ал-Банна янгиланиш ва *ислоҳотнинг* ўрнатилган усуллари узоқлашаётганга ўхшайди, ал-Ава эса кўпчилик масалаларни умумий қабул қилинган Исломий *ижтиҳод* усуллари ёрдамида ҳал қилиш мумкин, деб ҳисоблайди.⁶⁴

Юқорида айтиб ўтилганлар мусулмон олимларидан ўз-ўзини танқид қилишнинг соғлом томонини талаб қиладиган жуда узун масалалар рўйхати – бу, қисман, янгиланиш ва таждиднинг келиб чиқишидир. Гарчи бу тараққиёт турли мамлакатларда нотекис ва умуман хилма-хил бўлса-да, XX асрда амалга оширилган қонунчилик чоралари ва оилавий ҳуқуқ *ислоҳотлари* соҳасидаги тадқиқотлар туфайли ушбу масалаларнинг аксарияти маълум ютуқларга эришди. Мен санаб ўтган кўплаб муаллифлар муаммоли масалаларни кўтарибгина қолмай, балки уларни кўриб чиққанлар ва ҳал қилиш йўлларини ҳам муҳокама қилганлар. Ушбу нашрда мен тафсилотларни қолдиришим керак, аммо бошқа бир ишимда XX асрда Ислом ҳуқуқини қонунлар мажмуи, ҳуқуқий таълимот ва илмий тадқиқотлар орқали *ислоҳ* қилиш чоралари тўғрисида тўлиқроқ тасаввур беришга ҳаракат қилдим.⁶⁵ XX асрнинг “Исломий тикланиши” бир неча йўналишлар билан ажралиб туради, улар орасида салафий турининг уйғониши ва қонунлар мажмуи орқали замонавий *ислоҳотлар* мавжуд. Шунга қарамасдан, *таждид* асосида аҳамиятли тараққиётни бошдан кечирмаган бир соҳа қолади, гап конституцияли ҳуқуқ ва давлат бошқаруви ҳақида бормоқда. Лекин бу ерда ҳам 2011-йилги “*Араб баҳори*” ва унинг оқибатлари, шубҳасиз, жамоатчиликнинг илғор Исломий фикр, демократия ва инсон ҳуқуқларини бирлаштирадиган, шунингдек, улар биргаликда ижобий ўзгаришларга олиб келадиган жавобгарлик ва самарали давлат бошқарувини талаб қиляётганидан далолат беради. Бу мусулмон дунёсида ваъда қилинган конституционализм, демократия ва қонун устуворлигига олиб келмаган Ғарб қонунлари ва конституцияларини мулоҳазасиз ўзлаштириш муаммосини оқилона ҳал қилар эди. Бироқ, бу асар ёзилар экан, “*Араб баҳори*” букилмас диктаторларнинг ўз халқларига қарши чиқиши ва қонуний интилишларини амалга ошишига тўсқинлик қилиши туфайли, афсуски, қутилган натижаларни келтирмади.

МАҚАСИДНИНГ АҲАМИЯТИ

Сўнги ўн йилликларда Ислом тафаккури ва илмида яққол кузатилган шариятнинг олий мақсадларига (*мақасид аш-шариа*) бўлган янгидан қизиқиш, талқин ва *ижтиҳоднинг* схоластик услубиятларининг матнга оид оҳангига қисман жавоб бўлди. Мақасид энди *ислоҳотчи* ғоя ва ташаббуснинг ҳамма эътироф этилган атамаси ва мезони ҳисобланади. Ҳар сафар *таждид* бешта асосий мақасидга (*яъни дарурийят*)⁶⁶ тегишли бўлиши мумкин бўлган ташаббус, режа ёки мақсадни тақдим этса, унинг ҳақиқийлиги шу мазмунда тасдиқланади. Агар таждиднинг қандайдир шартларидан тан олинган мақасиднинг (шариятнинг мақсадларининг) биронтасига тўғри келмаса, у синовдан ўтмаганлиги ҳақида баҳслашиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, *таждид* Исломнинг ҳеч қандай ўзгармас меъёрлари ва тамойилларига зид бўлмаган тақдирдагина амал қилади. Ундай ҳолда, таждиднинг мақбуллигини оқлаш учун Исломий манбалардан тасдиқловчи далилларни келтиришнинг ҳожати йўқ. Шубҳасиз, таждиднинг Исломий асосий рунлар (аркон) ва ақидасига қўлланилиши чеклангандир. Аммо *таждид* ушбу соҳага тегишли бўлмаган масалаларда ва кўпроқ мослашувчанлик билан ажралиб турадиган кишилик муносабатлар ва муамалат соҳаларида иштирок этиши мумкинлиги сабабли, унинг замонавийлик ва цивилизацияни янгилаш муаммоларини ҳал қилишдаги аҳамиятини кўриш осон.

Мақасид ва *таждид* ўртасидаги боғлиқликни на ҳукукий тушунча, на аниқ диний тушунча бўлган иқтисодий ривожланиш мисолида кўрсатиш мумкин, шунга қарамай, иқтисодий ривожланиш ва бойликни адолатли тақсимлаш орқали қашшоқликка қарши кураш ҳам мақасиднинг, ҳам таждиднинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Имомлар: ал-Ғаззолий ва аш-Шотибий Ислом тафаккури фақат тақиқловчи жиҳатлар ёки сўзма-сўз талқинлар билан чекланиб қолмасдан, динимизнинг кенгроқ мақсадларига қаратилган бўлиши керак, деб ҳисоблашган.⁶⁷ Бунга тўлиқ мақсадга йўналтирилган, кенгроқ масалаларни қамраб оладиган, мақасид нуқтаи назаридан мослаштиришни талаб қиладиган зиддиятли хусусиятларни бартараф эта оладиган мақасидга эътибор қаратиш орқали эришиш мумкин.

Мақасидга бошқа нуқтаи назардан қараган тақдирда, бу тушунчанинг ўзи *таждид* туфайли ривожланиши мумкин. Шундай қилиб, мақасиднинг кам ривожланган баъзи жиҳатлари *таждид* масалала-

рига бағишланган тадқиқотларда аниқланиши мумкин бўлар эди. Бу мақасид тоифаларини белгилашда ақлнинг вазифаси, шунингдек, асосий мақсадларининг (*дарурийят*) анъанавий рўйхатини диний муқаддас битикларда аниқ ифодаланган бошқа мақсад ва кадриятларни кўшиш учун кенгайтириш қобилияти билан боғлиқ. Худди шундай, мақасиднинг бошқа иккита тоифаси, яъни кўшимча (*ҳожийят*) ва исталган (*таҳсинийят*) учун ҳам, уларнинг ўзбошимчалик билан фарқланишини минималлаштириш учун таъриф мезонларини ва услубий такомиллаштиришни яхшилаш даркор. Муаллиф ўзининг бошқа асарида бу мавзуга батафсил тўхталиб ўтган⁶⁸ ва бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш кифоя бўладики, *таждид* билан мақасид ўртасидаги алоқанинг муҳим жиҳати диний муқаддас битикдаги (*нусус*) кўрсатмалар ва уларга қўйилган мақсадлар (*мақасид*) ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаш, сўнгра уларнинг маъносини таждид мазмунида аниқлаш. Бас, уларнинг мақсад ва вазифаларини эътиборсиз қолдирибгина шарият ҳукмларини муқаддас битикдан шунчаки олиш кифоя эмас, балки бу алоҳида ҳукм XV / XX аср умматига таждид йўлида қандай йўл-йўриқ кўрсатишини ҳам ҳисобга олиш лозим.⁶⁹

ТАЖДИДНИ ТАНҚИД ҚИЛИШ

Мустамлакадан кейинги мусулмон дунёсида ҳукмронлик қилган инқироз муҳити таждидга бўлган ишончга путур етказга бошлаган. Тикланиш ҳаракатларига нисбатан жамоатчилик фикри тобора муросасиз бўлиб қолган эди. Масалан, Туркияда, Усмонли халифалиги қулаганидан сўнг, Отатурк бошчилигидаги ғарбпараст ва дунёвийпараст ҳаракати каби янгилиниш ва тикланишни тарғиб қилувчи шубҳали гуруҳларнинг ўсиши бошланди. Рашид Ридо кейинчалик уни Ғарб намуналари билан юққан тақлидий *таждид* деб атаган. *Таждид* башоратли ҳадисга эмас, балки Ғарб замонавийлаштиришига асослана бошлади ва шунинг учун шубҳали ҳақиқийликка эга. Ҳаттоки баъзилар таждидни дунёвийликка, бошқалари эса Ислом ниқоби остида зарарли янгиликларга (*бидъат*) тенглаштира бошладилар.⁷⁰

XX асрда *тажидид* муҳокамасида қуйидаги тўрт йўналиш кузатилади:

1. Асосан *ижтиҳод* ёрдами билан янги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, прецедентга йўналтирилган тажидид. Ушбу ёндашув тарафдорлари тажидидни ўтмиш прецедентлари билан боғлашган, бу ҳам салафий ҳаракатнинг ўзига хос хусусияти бўлган. Бу ерда прецедент нафақат муқаддас битик матнларидан иборат, балки ҳуқуқий мактаблар, ўтмишдаги зиёлилар ва имомлардан ташкил топган деб тушунилади. Бу эса уни ушбу йўналиш тарафдорлари чекланган ва яхши тузатилган *ижтиҳод* очиқ қолган бўлсада, тақлидга яқинлаштиради. Бу нуқтаи назарга содиқликни Рашид Ридо, Саид Рамазон Бутий ва Маҳмуд ат-Таҳхон намойиш этганлар.⁷¹

2. Диний муқаддас битик ва ақлни узвий боғлиқликда кўриб чиқадиган очиқ *ижтиҳод* (*ал-ижтиҳод ал-мафтуҳ*) тарғиботи. Муҳаммад Иқбол, Абдулмутаал ас-Саидий, Амин ал-Хулий ва Юсуф ал-Қарадавий Ислому тафаккурини озод қилишга чақириб, шарият ва *ижтиҳод*ни замонавий воқелик ва ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳимоя қилиш орқали бу нуқтаи назарни ифода этганлар.

3. Услубий янгиликлар ва *ислоҳотлар* орқали тахмин қилинган цивилизация инқирозини енгишга қаратилган эпистемологик *ислоҳот* (*азмат ал-ҳадара*) ва билимларни исломлаштириш. (*исломийят ал-маърифат*) Ушбу йўналиш 1981-йилда ташкил этилганидан бери Виржинияда жойлашган Халқаро Ислому тафаккури институти томонидан намойиш этилган. Институт ва унинг асосчилари, бир томондан, фикрлаш усули сифатида тақлидни танқид қиладилар, бошқа томондан эса, замонавийлаштириш муаммоларини Ғарб таълимотлари таъсири остида қарайдилар. Бу нуқтаи назар тарафдорлари учун *тажидид* иккита таркибий қисм, чунончи, диний муқаддас битикни ўқиш (*қироат ан-насс*) билан бирга Исломий қадриятлар асосида мавжуд воқеликни “ўқиш” (*қироат ал-қавн*) иштирокида содир бўладиган фикрлаш услубиятини (*ислоҳ манохиж ал-фикр*) *ислоҳ* қилиш демакдир. Шубҳасиз, бу ерда асосий эътибор мавзу ва мазмунга эмас, балки воситалар ва услубларга қаратилган. Йўналиш Абдулхамид Абу Сулаймон, Таҳа Жабир Алалвоний, Имоуддин Халил, Муҳаммад Камол Ҳасан каби ва бошқалар олимлар томонидан тақдим этилган.⁷²

4. *Тажидид* ҳақида анча кенгрок тушунчани тақлиф қиладиган, бирон бир методология ёки нуқтаи назар билан боғлиқ бўлмаган,

балки замонавийлик муаммоларини ўз мазмунида ҳал қилишга имкон берадиган *тажид* ва глобаллашувнинг бирикмаси. Глобаллашув мусулмон дунёсига цивилизацион микёсидаги муаммолар кўринишида қийинчиликлар туғдиради, шунинг учун янгилиниш ва тажидга қаратилган саъй-ҳаракатлар тегишлича ушбу муаммоларнинг моҳиятига асосланиши ва кенгрок кўламни ва ўлчовларни акс эттириши керак. Бу йўналиш тарафдорлари Муҳаммад Обид ал-Жобирий, Абулқосим Ҳаж Аҳмад, Абдурахмон ал-Кавакибий, Муҳаммад ат-Талбий ва бошқалардир. Ушбу олимларнинг таъкидлашича, тажиднинг ўтмишдаги ҳаракатлари, асосан услубият, замонавий ривожланиш ва ўтмиш мероси масалаларига эклектик ёндашув, яъни замонавий воқеликни асосан дин ва ўтган йиллар мероси таъсири остида идрок этадиган ёндашув туфайли ўз мақсадларига эриша олмаган.

Малек Беннабининг фикрига кўра (вафоти 1973-й.), мусулмонларнинг *ислоҳот* ҳаракатлари ёмон режалаштириш ва етакчилик етишмаслигидан қийналган. Бу икки тафаккур мактабининг, яъни модернистлар ва *ислоҳотчиларнинг* чалкашликларига олиб келган. Биринчи мактаб Ғарбдаги маҳаллий муаммоларига тайёр ечимларни кидириб, йўлини йўқотган, иккинчиси эса ўзларининг собиқ шон-шарафига садоқатли бўлиб, мавжуд ҳолатга содиқ қолган ва дармонсизлигининг асосий сабабларини тушунишга кодир бўлмаган.⁷³ Бошқа бир тадқиқотчи Ислом қарашларнинг торлиги қурбони бўлиб, унинг кенгрок цивилизацион мақсадларини тўсадиган бир қатор маросим намойишларига айланганини таъкидлаган. Афсуски, кўплаб замонавий Ислом тикланиш ҳаракатларининг кун тартибини “цивилизация масалаларидан йироқ саволлар” тўлдирган.⁷⁴ 2005-йилда Қоҳира университетида бўлиб ўтган “*Цивилизациялар мулоқоти*” – Ҳивар ал-Ҳадарат анжуманида Тариқ ал-Бишрий “мустамлакадан кейинги даврда муъасара (модернизм) тушунчасидан фойдаланган ҳолда, мусулмонлар одатда Ғарб ёндашуви ва Ғарб цивилизацияси қарашларига таянганлар. Мусулмонлар ўзларига Ғарб таъсири остида қарашган”, дея ўз фикрини баён қилди. Ўша анжуманда ҳам сўзга чиққан Иброҳим ал-Байюмий шундай фикр билдирди: “Исломий ҳаракатлар орасидаги модернистик муҳокама асосан Ғарб намунасига яқинлаштириш ва уни таққослашдан иборат бўлган. Дунёвий либерал ҳаракатлар ўз фаолиятларида ушбу намунадан кўр-кўрона фой-

даланганлар”.⁷⁵ Буни Абду ғоялари таъсири остида жинс тенглиги-ни ҳимоя қилган Қосим Аминнинг асарлари яққол кўрсатиб туради, аммо у тез орада Ғарб модернизми ғояларига суяниб, унинг Исло-мий эътиқодлари Ғарб тафаккурининг соясида қолиб кета бошлаган.

Муртазо Мутаҳҳарий томонидан таждидга бўлган танқиди уйғо-ниш лойиҳаси деб атайдиган тўсиқларнинг икки турини ажратиб ола-ди: ички ва ташқи. Биринчиси, ўз навбатида, иккита омилни назарда тутуди, улардан бири салбий қолиплардан халос бўлишлари ва Ис-ломнинг фикр эркинлиги, жинс тенглиги ва замонавий илм-фан каби баъзи жиҳатларини янгилаш учун очикроқ бўлишга ҳаракат қилиши зарур бўлган диний муассасалардир. Ҳақиқий янгиланишга бардош берадиган иккинчи омил бу узоқ вақтдан бери мусулмонлар тажри-басининг ажралмас қисми бўлиб келган сиёсий зулмдир. Ўтмишда, зулм ўзига яраша илоҳий мақомга эга бўлиш орқали ўзини қонуний-лаштириш учун диндан фойдаланган. Замонавий даврда сиёсий зулм турли хил никоблар остида – ҳокимиятни кўлга киритиш усуллари-да, ҳокимият манбаларида ва динни ҳолис бўлмаган сиёсат восита-си сифатида ишлатишда намоён бўлади. Бунга қарши курашиш ва ҳақиқатни жамият манфаати учун очиш лозим. Шунингдек, таълим муассасаларини сиёсий ҳокимият таъсиридан озод қилиш даркор.⁷⁶

Мутаҳҳарий томонидан асосий деб белгиланган *таждид* муҳока-масининг заифлиги, шунингдек, кенг қамровли режа ва қарашларга эга бўлмаган таждиднинг ички заифлигидир. Баъзан у бошқаларнинг ҳисобига бир жиҳатга эътибор қаратади ёки баъзида жуда идеали-стик бўлиб қолади. Бу муайян услубиятнинг йўқлиги *таждид* та-раққиётига тўсқинлик қилмоқда.⁷⁷

Янгиланишнинг ташқи тўсиқлари қуйидаги учта омилдир: 1) Иқтисодий ва сиёсий фойдаланиш ва назорат орқали хорижий му-стамлака; 2) Исломиё қадриятларга зид бўлган, айниқса, глобалла-шув пайдо бўлиши билан, маданий ва ахлоқий истило; 3) Дунёга ва ўзимизга бўлган қарашимизни бузган мафкуравий ва ақлий босқин-чилик.

ИЛОҲИЁТ ЯНГИЛАНИШГА ДАЪВАТ

Олдин айтиб ўтилган Муртазо Мутаҳҳарий *калом* илоҳиётини ҳийла батафсил ўрганиб чиққан ва биз унинг шу мавзуга бағишлан-ган асарини кўриб чиқишдан бошлаймиз. Мутаҳҳарий эски *калом* ва

янгини тилга олади. Биринчисини у диалектик табиати ва мусулмонларнинг ҳақиқий яшаш шароитларидан узоқлиги учун танқид қилади. Мутахҳарий эслатиб ўтадиган янги *каломнинг* негизини, асосан, Муҳаммад Иқбол, Жамолиддин ал-Афғоний, Муҳаммад Абду ва бошқалар каби XX аср мусулмон мутафаккирларининг биргаликдаги қўшган ҳиссаси ташкил этади. *Калом* ҳақидаги янги мунозаралар тавҳид тушунчасидан келиб чиққан бўлиб, мусулмонлар ҳаёти ва умуман кишилик муносабатлар учун катта аҳамиятга эга. Қуйидаги параграфларда Мутахҳарийнинг *калом* ва унинг маъноси юзасидан қарашлари ҳақида қисқача маълумот берилади:

Олим *каломни* қуйидагича таърифлайди: “*Калом* (схоластик илоҳиёт) – Ислом жамиятида содир бўлган Ислом эътиқодларини бидъат ва сохта ишончлардан ҳимоя қилиш учун дастлаб ишлатилган мантиқий далиллардан фойдаланиш”.⁷⁸

Диалектик *калом* дастлаб бир қатор машҳур қарама-қаршиликларда ишлаб чиқилган ва қўлланилган, шунингдек, Исломнинг бирлигини сақлаб қолишга интилган. Бирок, *калом* ўзининг кейинги ривожланиш жараёнида асосий тамойиллар шаклида тақдим этилган мантиқий диний ва фалсафий тушунчалар мажмуига айланади, шунингдек, ушбу тамойилларсиз инсон мусулмон бўла олмайди. Ушбу амалиёт Исломда пайдо бўлган илк сиёсий келишмовчиликлар вақтида, эллинистик фалсафани жорий этиш, шунингдек, турли гуруҳлар ва эътиқодларни тузиш даврида шакллана бошлаган. У ҳар бир тариқат ўз қонунийлигини тасдиқловчи воситага айланган. Турли манбалардан олинган диний ва фалсафий билимлардан фойдаланган ҳолда, ҳар хил тариқатлар ўз қарашларини ҳимоя қилиш усулларини ишлаб чиқишган. Лекин, буларнинг барчасига қарамай, *калом*, гарчи унда баъзи фақатгина фалсафий мавзулар кузатилган бўлса-да, диний эътиқод асослари билан алоқани сақлаб қолишга муваффақ бўлган. *Каломнинг* нуқтаи назари ҳамиша Аллоҳ Таолонинг мавжудлиги ва сифатлари, тақдир, ваҳий, пайғамбарлик, Қиёмат куни, имомийлар, давлатни бошқарув ва бошқа тегишли мавзулар билан боғлиқ бўлган. Шунга қарамай, яқка худоилик ҳамма нарсанинг асоси бўлиб қолган ва шу сабабли *калом* Ислом илоҳиёти сифатида машҳур бўлган.

Каломнинг ривожланиши билан *Калом* талқинларининг ёлғиз назарий табиати, шунингдек, унинг киши ва жамиятга яширин таъсири ҳақида ягона савол қолган. *Калом* диалектикага чуқур таяниб, кундалик ҳаёт билан деярли боғлиқ бўлмаган парадоксал назарий услу-

биятга ва тушунчалар тўпламига айланган. Иккинчи даражали масалалар билан шуғулланиб, у мусулмоннинг шахсий ҳаётига ва Аллоҳ Таоло билан муносабатларига таъсир қилишни тўхтатган.

Каломнинг илоҳий таъсир доирасига ва инсон фаолияти чегараларига нисбатан ноаниқлиги мусулмонларга катта таъсир кўрсатган. Бу савол диалектик жиҳатга эмас, балки Худо ва унинг мавжудотлари ўртасидаги муносабатлар ғоясига даҳлдордир. Аллоҳ Таоло ҳамма нарсанинг бош сабаби эканлиги ҳақидаги баёнот тақдирга бўлган ишонч текислигига ўтган ва бу ўз навбатида инсон жавобгарлиги тўғрисида кўплаб саволларни туғдирган. Натижада, низо иштирокчилари ўз баёнотларини асослаш учун ҳар турли далилларни келтиришга интилишган.

Муқобил нуқтаи назарга кўра, инсон Худонинг яратилиш тизимида унга юкланган ҳал қилувчи аҳамиятни ҳисобга олган ҳолда, ўз ҳаракатларини бошқариш қобилиятига эга. Шариатнинг мавжудлиги одамнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини тасдиқламоқда. Худо сира барча ҳаракатларнинг манбаи эканлиги ҳақидаги даъволар ташвишга солади, чунки бу инсоннинг ҳам тўғри, ҳам нотўғри барча ҳаракатларини ўз ичига олар эди, бу эса, ўз навбатида, ахлоқий мажбурият тамойилини ҳар қандай маънодан маҳрум қилади.

Якка худодилик тамойилининг ижтимоий ва психологик таъсири ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди, лекин биз иймоннинг шахс ҳаётига жонли таъсир этишини умумий тушуниш учун назарий диалектикага муҳтож эмасмиз. Умуман олганда, бундай мавзулар ҳеч қачон илмий мунозара доирасидан ташқарига чиқмаган ва уларнинг жамоатчилик онгига рағбатлантирувчи таъсири энг кам даражада бўлиб қолмоқда. *Калом* иймонни ҳимоя қилиш воситаси ва одам учун қўлланма сифатида майдонга келган, аммо охир-оқибат у деярли ҳамма нарсани йўқотган, шу билан бирга диннинг таъсири заифлашган.⁷⁹

Мусулмонлар дуч келган ноаниқликни ҳал қилишда янги ёндашувни топа олишдан олдин замонавийлик пайдо бўлгунча кутишлари керак эди. XX асрда пайдо бўлган янги *калом* Исломнинг асосий вазифасини Муқаддас Битикка мувофиқ тиклайди. Бу инсонни ва унинг салоҳиятини озод қилиши ҳамда мураккаб диалектик баҳсларнинг муаммолардан халос бўлган ҳаётининг маромларини тартибга солиш қобилиятини тиклаши керак эди. Бундан ташқари, жонли амалиёт руҳни тетиклаштиради, одамни рағбатлантиради ва унга умид беради.

Мутахҳарий, Муҳаммад Иқбол *каломни ислоҳ* қилиш зарурлигини кўриб, биринчи бўлиб бу ёндашувдан фойдаланишга ҳаракат қилганини тасдиқлайди. Инсон Худо ҳақидаги мутлақ билимларни тасдиқлаш ўрнига, унга дангасалик ва фаолиятсизликни енгиш учун куч берадиган ва қалбини жонлантирадиган ички турткини таъминлайдиган муносабатларни қуриши лозим.⁸⁰

Шунга ўхшаш фикрнинг бўлиши ҳам Малек Беннабига таъсир кўрсатган, у ўзининг “*Муслмон дунёсининг бурчлари*” китобида шундай ёзган:

Бизнинг масаламиз Худонинг мавжудлигини исботлаш эмас. Аксинча, бу Унинг мавжудлигини ҳис қилиш ва сезиш қобилияти-мизга боғлиқ, чунки У бутун ҳаёт, куч ва ҳаракатнинг, шунингдек, ирода, қатъият ва жасоратнинг асосий манбаидир.⁸¹

Буни анъанавий *каломдан* кутиш мумкин эмас, чунки у мунозарани улуғлайди ҳамда маданий ва психологик маҳсулдорликни Худонинг борлиги ҳақидаги назарий ғоялар билан алмаштиради. Шундай қилиб, муслмон мутафаккирлари анъанавий *каломни* муслмонлар ҳаётига таъсир этиши учун *ислоҳ* қилиш қарорига келганлар. Бирок, яна бир омил бор эди. Ҳамма жойда олиб бориладиган замонавийлаштириш шошилиничида дунё маданиялари ва динлари ўртасида мисли кўрилмаган ўзаро алоқалар рўй берган. Сўнгра энг муҳим муаммолар тараққиёт ва цивилизация билан боғлиқ бўлиб, катта қизиқиш уйғотган янги дунёқараш ва кашфиётлар диний эътиқодларни соясида қолдириб қўйган.

Мутахҳарийнинг таъкидлашича, ал-Афғоний якка худолилик истиқболини тараққиёт талабларига жавоб беради деган умидда янгилашга биринчи бўлиб уриниб кўрган. Атеистик таълимотларни танқид қилиб, тавҳидга ва бутун махлуқотнинг ягона тақдирига, яъни Қиёмат кунига, шунингдек, уларнинг кишилик қадриятларга ва хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик туйғусига ижобий таъсирига эътибор қаратган. Мутахҳарий бу иккала нуқтанинг муҳимлигини таъкидлаган, чунки улар қалбнинг нафсларини тийиб турадиган ва унинг хароб бўлишига тўсқинлик қиладиган кучли чекловларни келтириб чиқаради, шунингдек, улар хиёнат ва фирибгарликнинг олдини олади ва адолатга эришиш учун жуда зарурдир. Ал-Афғоний якка худолилик цивилизация тараққиётига олиб келиши, бинобарин, ин-

сонда бахт-саодат ва маънавий камолот манбаига айланиши мумкин, деб ҳисоблаган. Бунга эришиш учун кўп йиллар давомида тўпланган бузиб кўрсатишлардан халос бўлиш керак.⁸²

Бундан сўнг Мутахҳарий Муҳаммад Абду Жамолиддин ал-Афғонийнинг ишени давом эттиргани ва ўша даврдаги Ислом тафаккурининг энг муҳим қарашларини ўзининг “Бирлик илоҳиёти” китобида ифода этганини айтиб ўтади. У ақлнинг аҳамияти билан бирга онгнинг муҳимлигини таъкидлаган: инсон нафақат ақли, у ҳам Аллоҳ Таолонинг қудратига боғлиқлиги тўғрисида ва ўзини қандай тутиш кераклиги ҳақидаги Унинг раҳбарлигидан хабардор. Айтиб ўтилган китобда қалбини тирилтирмоқчи, онгини уйғотмоқчи ва бузуқ ниятларини жиловламоқчи бўлган мўмин учун кўплаб тавсиялар берилган.⁸³

Абду тавҳидни инсон кадр-қиммати ва эркинлигини таъминлайдиган, шунингдек, одамлар тенг равишда яратилганлиги ва бу қадриятларни тарғиб қилиш учун ҳамма биргаликда ишлаши кераклиги ҳақидаги хабарни акс эттирадиган озодлик қуввати деб билади. Якка худолиликдаги барча эътиқодлар моҳиятан Аллоҳ Таолога бўйсуннишга келтирганидек, тавҳид таъсири остида ҳам барча ижтимоий фарқлар бирликка қайтарилади ва бу охир-оқибат бизни инсон иродаси, унинг ғоялари ва фикрларининг мустақиллигига олиб келмоқда. Шунга қарамай, Абду мусулмонлар бошидан кечирган инқироzi даврида кўплаб Ислом эътиқодлари бузилганлигини эътироф этган. Бинобарин, мўминларнинг таназзули мутаносиб равишда Исломнинг пасайишига олиб келган.⁸⁴

Калом (илоҳиёт) соҳасидаги мутахассис, Дубайда жойлашган Kalam Research & Media (KRM) марказининг директори ва Римдаги Понтифик Араб ва Ислом тадқиқотлари институтининг (*Pontifical Institute for Arabic and Islamic Studies*) собиқ профессори Ареф Али Найед илҳомлантирувчи янгиланган раҳм-шафқат илоҳиётига даъват қилган. Мен бу ерда унинг Кембриждаги конференциясига тайёрлаган ва кейин “Тинчлик, раҳм-шафқат ва марҳаматнинг ўсиб бораётган муҳити” (*Growing Ecologies of Peace, Compassion and Blessing*) номи билан нашр этилган маърузанинг хулосасини келтирмоқчиман. Илоҳиётнинг таназзули ҳақида гапирар экан, Найед *калом* ҳаддан ташқари диний маросимга оид бўлган, сиёсийлашган, радикаллашган ва дин номига зўравонликнинг ахлоқсиз доирасига тушиб қолганини таъкидлаган. Барчамиз “хушёр бўлишимиз ва урф-одагла-

римизни ҳақоратли ва бузувчи шикастлардан асрашимиз керак. Биз ҳаммамиз, ҳатто Худонинг мавжудотларидан битта жонга нисбатан ҳам шафқатсизликнинг ҳар қандай кўринишини коралаш учун бирлашишимиз зарур, чунки бу бутун инсониятга хужум қилиш билан баробардир”.⁸⁵

Янгиланган *калом* Қуръон раҳбарияти ва Муҳаммад Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг анъаналарини асос қилиб олиши ва Худони севишнинг энг яхши йўли муҳаббат, раҳм-шафқат ва Унинг яратганларига ёрдам эканлигини кўрсатиши керак. Раҳм-шафқат каломи Исломий “янгилиниш (*таждид*) ва диний ғайрати (*ижтиҳод*) анъаналарига” асосланиши зарур.⁸⁶ Яхши илоҳиёт анъаналарда чуқур ишончли илдизларга эга ва инсоният учун эзгу натижаларга жуда бой. Ёмон илоҳиёт фақат юзаки боғланган ёки анъанадан бутунлай узилиб қолган ва ундан инсониятга зарар етказадиган тиканлардан бошқа ҳеч нарса ўсмайди.⁸⁷

Найед ўз даъватини қўллаб-қувватлаш учун Қуръон ва ҳадислардан кўплаб парчалар келтиради. Шу нуқтаи назардан, Аллоҳ Таолонинг Қуръонда айтган сўзлари ажойибдир:

“...Роббингиз Ўз зиммасига раҳматни ёзди...”

(Анъом сураси, 6:54)

Муҳаммад Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисда:

“Раҳмлиларга Аллоҳ Таоло раҳм қилади. Ердагиларга раҳм қилинг. Сизга осмондаги Зот раҳм қилади”, деганлар.⁸⁸

Шундай қилиб, бизнинг вазифамиз раҳм-шафқатни “бизнинг диний муҳитимизнинг марказида ўрнатиш ва уни умумий ҳаётимизнинг марказига айлантиришдир”.⁸⁹ Шу билан бирга, Найеднинг қўшимча қилишича, шиаларнинг янгиланган *каломи* (“Ўн иккичилар”, Зайдийлар ва Исмоилийлар) ҳамда Ибодийлар *каломининг* ўзаро ҳурмат билан иштирок этмасдан сунний *калом* анъаналарини (Мутакаллимлар, Мотуридийлик, Ҳанбалийлик) янгилаб бўлмайди. Бундан ташқари, сунний *каломнинг* тикланиши ва янгиланиши замонавий яҳудий, насроний, буддавий ва ҳиндуий илоҳиётлари билан динлараро ҳурмат билан ўзаро алоқаларни талаб қилади. Негаки Худонинг ижоди бизнинг плюралистик хилма-хиллигимиз ҳақиқатининг ман-

баидир. Шунинг учун ҳеч қандай янгиланган Ислом илоҳиёти Худо томонидан тақдим этилган кўп қиррали илоҳиёт хилма-хиллигидан алоҳида раванқ топа олмайди.⁹⁰

Ҳар хил таълимотлар ва илоҳиётларга эга бўлган турли жамоалар ва мактаблар, албатта, улар ишонадиган ва ҳақиқат деб тан оладиган нарсалардан далолат беришади. Шу боис келишмовчиликлар ва низолар муқаррар, аммо улар “юмшоқ ва мулойимлик билан” амалга оширилиши зарур, мусулмонлар эса Қуръоннинг ҳикмат, яхши насихат ва мулойим мунозара тамойилларга содиқ қолишлари керак. (Наҳл сураси, 16:125) Агар биз енгиб бўлмайдиган келишмовчиликларга дуч келсак, уларни шундай тан олишимиз ва бизга тўғри йўлни кўрсатиш учун Аллоҳ Таолога ишониб кетишимиз шарт.⁹¹

ЦИВИЛИЗАЦИОН ЯНГИЛАНИШ (ТАЖДИД ҲАДАРИЙ)

Биз қуйида Исломда цивилизацион янгиланиш деганда нима тушунилади, деган саволни кўриб чиқамиз.

Ислом таълимоти, умуман олганда, тамойиллар тўплами ва соғлом инсоний ақл туфайли шаклланадиган одамнинг ички моҳияти ва ташқи муҳитини аниқ англаш ва тушунишни акс эттиради. Бундай хабардорликнинг ташқи ўлчови бу шахслар ва жамоалар ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, улар ўз навбатида уларнинг ер юзидаги яшаш жойлари ва атроф муҳит билан қандай боғлиқлиги ҳақидаги цивилизацион вазифасидир. Бу Ислом динининг ер юзидаги кишининг ўринбосарлиги тўғрисидаги таълимотининг (*истихлоф фий ал-ард*), шунингдек, унинг ахлоқий жиҳатдан асосланган ва иноят руҳи (*иҳсон*) билан бойитилган адолатли ижтимоий тартибни яратиш ва сақлаш учун жавобгарлиги асосидир. Ислом таълимотида ҳам эсла-тиш (*зикр*), яхши маслаҳат (*насихат*), ўз-ўзини такомиллаштириш ва инсон яшаётган жамиятни яхшилаш йўлидаги абадий кураш ёки жиҳод каби тушунчалар, шунингдек, албатта, *ислоҳ* ва *таждид* мавжуд. Киши юкорида айтиб ўтилган кадриятларни унутиши ёки эътиборсиз қолдириши мумкинлиги сабабли зикр ва насихат зарур деб ҳисобланади. Бас, *таждид* ташувчиси одамларга диний мажбуриятларини эслатиб турадиган ва “Исломга цивилизацион ёндашувига эътибор қаратадиган бўлганлиги туфайли *таждид* Ислом учун ҳам диний, ҳам амалий заруратга айланади”.⁹²

Ислом таълимотининг теоцентрик мағизидаги онгли хабардорлик ғояси Қуръонда қуйидагича ифодаланган:

Сен: “Бу – менинг йўлимдир. Мен Аллоҳга билиб – ишонч ила чакираман ва менга эргашганлар ҳам. Аллоҳ покдир. Ва мен мушриклардан эмасман”, деб айт. (Юсуф сураси, 12:108)

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан эълон қилинган “Аллоҳга даъва” ушбу оятда ақл нури учун очик бўлган ва у томонидан текширилиши мумкин бўлган онгли тушуниш ва ишонч натижаси сифатида тасвирланган, бу ҳам Қуръоннинг динга бўлган ёндашувини аниқ кўрсатиб беради. Онгли хабардорлик мўминнинг ички уйғонишини унинг ташқи хулқ-атвори ва саъй-ҳаракатлари билан жамиятни яхшилаш учун узлуксиз интилишда бирлаштиришни назарда тутди.

Цивилизацион янгилиниш кенг ва ҳар томонлама жараён бўлиб, ундаги таждиднинг ўрни мазмунан бой ва кўп қирралидир. *Таждид* кенг бўлиши мумкин ёки фақат цивилизациянинг янгилиниши керак бўлган жиҳатларини камраб олиши мумкин. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, *таждид* бутун мусулмон жамоасини ўз ичига олиб, алоҳида гуруҳлар ва минтакалар билан чегараланмайди. У ҳам диннинг бирон бир томони билан чекланиб қолмасдан, Исломни тўлиқ камраб олади. Демак, *таждид* ибодат масалалари ва Ислом ақидалари жиҳатларига тўхталиши мумкин, аммо уларнинг моҳиятига аралаштириш маъносида эмас, балки асоссиз ишқивозликни ёки улардан четланишни тузатиш маъносида, шунингдек, *таждид* ақлга мувофиқ тафаккурини иймон ва ибодат моҳияти билан бирлаштиришда юқори даражадаги камолотга эришиш масалаларини даҳл қилиши мумкин. Агар диний урф-одатларни бажариш шунчалик маросимга айланган бўлса, ҳамда уларнинг маъноси ва руҳи билан боғлиқлик йўқолган бўлса, унда бу ҳолда янгилиниш кераклиги аниқдир. Худди шундай, агар дунёвий замонавийлаштириш ва илм-фаннинг таъсири Ислом нуқтаи назаридан унинг мақбул ёки номақбуллиги ҳақида шубҳа туғдирса, унда *ислоҳ* ва *таждид* бу масалада ҳам яхши хизмат қилади.⁹³

Юқорида қайд этилганидек, *таждид* ва *ислоҳ* маълум бир вақт билан чегараланиб қолмайди ва Ислом меъёрларига ойдин бепарво бўлиш ёки улардан оғиш ҳолатлари мавжуд бўлган ҳар қандай пайтда қўлланилиши мумкин. Ушбу ғоялар бўйича бирон бир гуруҳ-

нинг монополиясини кўрсатмасдан, шуни таъкидлаш керакки, ихтисослашган соҳаларда ва масалаларда *таждид*, *ислоҳ* ва *ижтиҳод* Қуръондаги диндорларга куйидаги мурожаатига биноан фақатгина мутахассислар томонидан, хоҳ шахслар, хоҳ идоралар ва муассасалар бўлсин, амалга оширилиши керак: "...Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларида сўрангиз". (Наҳл сураси, 16:43) Бу, айниқса, бугунги кунда, маълум фанлар бўйича ихтисослашув ҳамма жойда кенг тарқалган тақдирда тўғри келади. Шариатга доир масалаларда *таждид* ва *ижтиҳод* нусус ва аҳкомни (*матн ва ҳукм*) ўзларининг ҳақиқий мақсадлари ва мақасид билан, шунингдек, юқорида айтиб ўтилганидек, замонавий маънолари билан бирлаштириши лозим. Ислом цивилизацияси Қуръоннинг *васатийя*⁹⁴ ҳақидаги қарашларига мувофиқ мўътадилликка асосланади (Бақара сураси, 2:143 қаранг), у умумбашарий ва ҳамма нарсани қамраб олади ва инсониятни ягона биродарлик деб ҳисоблайди. Бундан ташқари, Ислом цивилизацияси эволюциондир, шунинг учун янгиланиш ва *ислоҳот* одамлар учун ҳақиқий эҳтиёжлар ва фойдалар (*ёки маслаҳа*) билан бирга боради. У ҳам Қуръоннинг раҳм (*раҳма*) ва ҳикмат (*ал-ҳикма*) тамойилларини ҳисобга олиши зарур. Шу нуқтаи назардан яна иккита муҳим жиҳат: холис адолат ва юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бошқа одамларга меҳрибон бўлишга интилишдир. (*ал-адл ва ал-иҳсон*)

Куйида Исломдаги цивилизациян янгиланишининг бошқа йирик цивилизациялар билан муносабатлари нуқтаи назаридан турли жиҳатлари ҳақида қисқача маълумот берилади:

1. Яхшилик билан жавоб бериш. Ушбу тамойил Қуръоннинг куйидаги оятига асосланади: "Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сен яхшилик бўлган нарса ила даф қил. Кўрибсанки, сен билан орасида адовати бор кимса, худди содиқ дўстдек бўлур". (Фуссилат сураси, 41:34) Бу бошқалар билан муносабатда бўлишда Исломий ёндашув учун муҳим кўрсатма бўлиб, тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ишларда ҳамкорлик қилиш учун ажойиб қўлланма беради.⁹⁵ Бошқача қилиб айтганда, мусулмонлар жамоатчиликни ташвишга солаётган замонавий масалаларни ҳал этишга амалий ёндашиши ҳамда ташаббусни Қуръоннинг адолат ва мурувват руҳига мувофиқ қабул қилиши, шунингдек, бундан ҳам кўпроқ: соғлом ақл ва ҳикмат асосида энг яхшиси билан жавоб бериши керак.

2. Цивилизациянинг маданий, сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий таркибий қисмларида плюрализмни тан олиш ва ҳимоя қилиш. Бу ҳам Қуръон баёноти ва ҳидоятига асосланади: “...Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шарият ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ хоҳласа, ҳаммангизни бир уммат қилиб қўяр эди. Аммо У сизларни Ўзи ато этган нарсада синамоқ истайдир. Яхшиликка шошилингиз...” (Моида сураси, 5:48, Хужурот сурасига ҳам қаранг. 49:13)

3. Бошқа жамоалар ва цивилизациялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва алмашилишни ривожлантириш. Илм-фан ва савдо, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, терроризм ва зўравонликка қарши кураш, ядро қуроли ва қирғин қуроллари муаммосини ҳал этиш каби соҳаларда бундай ҳамкорлик имкониятлари (*таъовун*) кенгдир. Мусулмон бўлмаган жамоалар ва миллатлар билан муносабатларда, авваламбор, Диний Муқаддас Битикда ҳам қўллаб-қувватланмайдиган “*Дорул Исло*м” ва “*Дорул Қуфр*” деб аталадиган дунёни иккили бўлиниш каби ҳуқуқий таърифлар билан эмас, балки ақлга мувофиқлик билан бошқарилиши лозим.

4. Мусулмон бўлмаган мамлакатлардаги мусулмон озчиликлар учун айниқса жуда муҳим бўлган озчилик ҳуқуқшунослигини (*фиқҳ ал-ақалийёт*) мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш. Ушбу жиҳатнинг мантқий асоси Қуръондан раҳбарлик тамойил: “...Ҳеч бир жонга имкондан ташқари тақлиф бўлмайди...” (Бақара сураси, 2:233) ва қийинчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалардир. (*раф ал-ҳараж*) Бундан ташқари, бу умумий фуқаролик тизимида, шу жумладан, мусулмон мамлакатларидаги ғайримусулмон озчиликларга, қонун олдида тенглик тамойили ва кенг жамоатчилик билан ўзаро яхши муомала (*муъомала билмисл*) тамойилига мувофиқ, шунингдек, дунё бўйлаб мусулмон ва мусулмон бўлмаган давлатлар ўртасидаги муносабатларга содиқликни аниқлатади.

5. Цивилизация, одатда, гўзаллик, санъат ва маданият билан боғлиқ, шунинг учун Исло м гўзаллиги (*ал-қиём ал-жамолийя*) кадриятларини алоҳида таъкидлаш учун тавсия ўринлидир. Қуръонда гўзал флора ва фаунанинг, боғлар ва дарёларнинг ўсиши учун ернинг чексиз салоҳияти, шунингдек, қушлар, ҳайвонлар ва денгиз дунёсининг Худо васият қилган гўзаллиги ҳақида кўплаб тавсифлар мавжуд. Бу борада қуйидаги машҳур ҳадислар ибратлидир: “Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади” ва “Дарҳақиқат, Худо ҳар бир нарсага гўзаллик ёзиб қўйган”. Шу йўсинда, биз ушбу гўзалликни ўзимизда

ва атроф муҳит ҳамда бошқа одамлар, жамоалар ва цивилизациялар билан бўлган муносабатларимизда топиш ва намоён этиш учун ҳаракат қилишимиз керак.

6. Тенглик, эркинлик, инсон ҳуқуқлари, жинс тенглиги ва аёлларнинг кишилиқ кадр-қимматини ҳимоя қилишга мустаҳкам содиқлик. Биз ҳам ахлоқий меъёрларни ва цивилизациянинг кўпинча эътиборсиз қолдириладиган ва четга суриладиган жиҳатларини ҳимоя қилиш аҳамиятига эътибор қаратамиз.⁹⁶

7. Суннийлар ва шиалар ўртасидаги мазҳаблараро зиддиятни бартараф этиш учун катъият ва содиқлик. Бу Қуръоннинг “Албатта, мўминлар биродардирлар, бас, икки биродарингиз ўртасини *ислоҳ* қилинг...” (Хужурот сураси, 49:10) деган қарашни барча мусулмон жамоалари ва халқлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳақиқати-га айлантириш учун ҳар томонлама чоралар кўришга чақириқдир. Ушбу маънавий бирликнинг моҳияти иймоннинг барча олтита асослари ва диннинг бешта рунлари (аркон) Исломнинг ҳам сунний, ҳам шиалик йўналишлари издошлари учун бир хил эканлиги ҳақидаги ҳаммага маълум ҳақиқат билан тасдиқланади.

2008-йил, октябрь ойида Исломий таҳлил маркази сифатида ўз фаолиятини бошлаган Куала Лумпурдаги Халқаро Исломий тадқиқотлар институти (IAIS) ҳақида ҳам кичик бир эслатма киритмоқчиман.⁹⁷ Бу Ислом ва замонавий масалалар соҳасида тадқиқотлар билан шуғулланадиган нодавлат муассасадир. Институт XX асрнинг сўнгги ўн йилликларидаги уйғониш мунозарасининг кўламини кенгайтиришга қаратилган, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқалар билан боғлиқ саволларга, яъни, умматнинг Ислом цивилизациясининг муҳим мавзулари ва мақсадлари билан кенгроқ ташвишини акс эттириши даргумон масалаларга қисқартирилган турли муаммоларни ҳуқуқий тартибга солишга жуда чекланган эътиборни қаратган цивилизацион янгиланишининг (*таждид ҳадарий*) асосий қарашларини баҳам кўради. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда Малайзия IAIS институтининг асосий тадқиқот дастури адолат ва самарали бошқарув, илм-фан, технология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қашшоқликка барҳам бериш, шунингдек, Исломнинг бошқа цивилизациялар билан муносабатлари ҳақида етарли даражада ёритилмаган масалалардан иборат. Институт замонавий ва сиёсий аҳамиятга эга тадқиқотларга бағишланган, шунингдек, жамоатчилик мунозаралар, анжуманлар ва

семинарлар учун майдонча бўлиб хизмат қиладиган “*Ислоҳ ва цивилизацияни янгилаш*” (*Islam and Civilisational Renewal*) журнаlines хар чоракда нашр этмоқда.⁹⁸

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Мустамлакадан кейинги даврда Ислоҳ тафаккурига ҳужум қилган фикрларнинг анча чалкаш оқимларига қарамай, аён нарса шундаки, “*таждид* салоҳияти умматнинг пайдо бўлишидан ажралмас хусусият бўлиб келган ва то охиригача шундай бўлиб қолади... ушбу салоҳият бир қатор омиллар таъсири остида заифлашиши ёки кучайиши мумкин, аммо у мусулмонлар жамоасида қолади, чунки унинг таркибий қисмлари Қуръон ва Суннатда белгиланган”.⁹⁹ Ҳатто бугунги ғарбпараст кўринадиган мусулмон жамиятларида ҳам *таждид* салоҳияти сақланиб қолмоқда. Замонавий жамиятнинг мураккаб хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, олим-муҳаддиднинг роли ўзгариши мумкин, ҳолбуки *таждид* дастурининг ўзи ҳамда тартибни ўзгартириш ва давлатни бошқариш вазифаси бугунги кунда техник мутахассислар, профессионаллар ва олимларнинг (уламо) иштирокини талаб қиладди. Бироқ таждидга бўлган интилиш ва умматнинг таждидни амалга ошириш қобилияти яққол кўриниб туради, бундан эса кўплаб мусулмон мамлакатларида Ислоҳий тикланиш ҳаракатларининг пайдо бўлиши далолат беради. “Шубҳасиз, ҳар бир мусулмон жамоасида, ҳатто ҳаддан ошиб кетишга мойил бўлиб кўринадиган жамоаларда ҳам *таждид* учун яширин қувват мавжуд”.¹⁰⁰

Замонавий илм-фан *таждид* доирасини мавжуд кўрсатмалар ва прецедентлардан ташқарига чиқадиган масалаларга кенгайтди. Бу қисман Ислоҳнинг замонавийлик билан учрашиши ва глобаллашув даврида уммат дуч келадиган муаммолар табиатининг натижасидир. *Ислоҳ* ва *таждид* номига тақдим этилган ғояларнинг ишончлилиги ва асослилиги доимо олимларнинг диққат марказида бўлган. Ўтмишдаги прецедентга риоя қилиш ҳақидаги ташвиш кўпинча *ислоҳотчи* ва тикланиш мулоҳазаси доирасини торайтириш орқали бўрттириб кўрсатилган эди. Шундай қилиб, етакчи мусулмон мутафаккирлари ҳали ҳам доимий иштирок этишни талаб қиладиган, Ислоҳнинг аслига тўғрилигининг амалий, лекин баъзан зид бўлган кўринишлари ўртасидаги урғуларнинг тўғри мувозанатини ўрнатиш

ва замонавийлик муаммоларига мос жавобларни шакллантиришдан иборат бўлган муаммога дуч келишмоқда. Масалан, самарали бошқарув, иқтисодий ривожланиш, фан ва технология масалаларини ўтмишдаги прецедентларини кўриб чиқиш ёки фақат қонун ва дин таъсири орқали тўлиқ ҳал қилиб бўлмайди. Илм-фан ва цивилизациянинг кенгроқ муаммолари ҳам Исломиёй кадриятларга зид бўлмаган турли хил жавоб чораларига эҳтиёж борлигини кўрсатади. Мен куйидаги хулосалар ва тавсияларни таклиф қиламан:

- *Таждид* диний тамойиллар билан уйғунлашган ҳолда янгилашниш ва ижтимоий тараққиётга эришиш учун муҳим воситасидир. Шу билан бирга, бу кенг ва ҳар томонлама тушунча бўлиб, тор расмиятчилик ва катъий талқинлар билан чекланиб қолмаслиги керак.

- Янгилашниш ва *таждид* ҳақидаги Исломиёй мунозара тарих давомида ва турли даврларда шаклланган шароитлар билан ёнма-ён ривожланган. У ички хилма-хилликни ва янги масалаларни ҳал қилиш қобилиятини намойиш этган. Дастлаб, *таждид* ҳақида бир қадар кенг тушунча, кейинчалик етакчи ҳуқуқий мактабнинг шаклланиши муносабати билан чеклашларга дуч келган. *Таждид* билан боғлиқ бўлган XX асрнинг уйғониш мунозараси янги уфқларни тушунишга тайёр эди, аммо кейинчалик Ғарб модернизми ва халқаро миқёсдаги муаммолар билан кескин қарама-қаршилик муҳитига тушиб қолган. Шунга қарамай, у нафақат алоҳида мужаддидларнинг жавобгарлиги, балки ҳаракатлар, жамоатчилик фикри раҳбарлари, сиёсатчилар, ўқитувчилар, асосий оммавий ахборот воситалари ва кенг мусулмон жамоатчилигининг масъулиятига айланиб, ўз доирасини кенгайтирган ва силжиган. Энди таждидни фақат алоҳида шахслар ва мужаддидларнинг имтиёзи сифатида эмас, балки ушбу кенгроқ мазмунда кўриб чиқилиши лозим.

- *Таждид* ва *ислоҳ* янгилаш ва қайта тиклашга уринишлар Ислом тамойилларини эътиборсиз қолдириш, ёки, ҳатто нотўғри тушуниш ва бузиб кўрсатиш пайтларида амалга оширилади деган маънода бир-бирини тўлдиради. Бундай ҳолда *таждид* муқаррар равишда *ислоҳ* орқали тузатиш ҳаракатлари ва *ислоҳотларни* талаб қилади, шунингдек, Исломнинг янги ижодий талқинларига йўл очади.

- *Таждидни* ҳам *ижтиҳод* билан тўлдириш зарур. *Таждид* ўз услубияти билан тартибга солинмаган бўлса-да, *ижтиҳод* ва унинг кенжа турлари усулул фикҳнинг пухта ишлаб чиқилган услубияти билан бойитилган. *Таждидни ижтиҳодга* қўшмаслик керак, у барибир

ўз манбаларига таяниб иш кўради. *Таждид* тўғридан-тўғри Қуръон ва Суннатдан, шунингдек, мақасид аш-шарианинг кенгрок ёндашувидан илҳом олиши шарт. Бундан ташқари, ижтиҳод тамойиллари ва услубияти тажидни ҳуқуқий масалаларга татбиқ этишни тўлдириши керак.

- *Таждид* фикҳнинг бир қисми эмас ва уни алоҳида фан соҳасига киритиш мумкин эмас. Бу Ислом илмининг барча соҳалари ва замонавий илм-фаннинг Ислом кадриятларига зид бўлмаган соҳаларидан илҳом оладиган ва уларга таянадиган фанлараро тушунчасидир. Тажидга ана шу фанлараро ёндашув ҳозирги кунларда янада кўпроқ эътирофга сазовор бўлиши даркор.

- Тажидни синкретизмдан ва турли хил фалсафа ва қарашлардан келиб чиқадиган қарама-қарши Исломий ва дунёвий таълимотларни аралаштиришдан ҳимоя қилиш лозим. Юзаки мослик ҳақиқий уйғунликнинг ўрнини боса олмайди. Фақатгина ҳақиқий уйғунлик ўсиш учун куч-қудрат бўлиб хизмат қилиши мумкин, шу билан бирга мослик ўхшашлиги қисқа муддатлидир ва ҳатто қочиш керак бўлган можаро уруғини сепиши мумкин.

- *Таждид* ва *Ислоҳни* битта фан соҳаси билан чекламаслик керак, ушбу тушунчалар Исломнинг цивилизация мақсадлари, масъулият ва самарали бошқарувнинг эътибордан четда қолган жиҳатлари, қашшоқликни йўқ қилиш йўллари ва Исломнинг бошқа цивилизациялар билан уйғун муносабатларини Исломнинг асосий кадриятларига мос келадиган усуллар билан кенгрок тасаввур қилишга имкон беради.

- Кескинлик, кучайиб бораётган исломофобия ва асосий оммавий ахборот воситаларининг Исломга нисбатан тарафқашлиги шароитида, Исломий муҳокаманинг мувозанатига эришиш қийин. Ижтимоий аҳволга таъсир этаётган нотинч сиёсий муҳит, экстремизм ва зўравонлик тажидга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳақиқий *таждид* Ислом ва Ғарб мутафаккирлари ва ҳукуматларининг умумий мақсади ва масъулиятига айланиши керак бўлган табиий ва тинч ҳаёт шароитидагина мумкин.

- Мусулмонлар, одам савдоси, гиёҳвандлик, касалликлар, ахлоқий таназзул ва зулм каби инсониятнинг умумий муаммолари олдида бошқа жамоалар ва миллатлар билан кучларни бирлаштириши керакки, шунда *таждид* ғоялари ушбу масалаларни ҳал қилишда иштирок этиши мумкин. Шундай қилиб, *таждид* глобаллашув дав-

рида халқаро микёсга эга бўлиши ва муслмонлар учун ҳам, муслмон бўлмаганлар учун ҳам ягона ечимларни таклиф қилиши мумкин.

- Унинг маркази тавҳид бўлган *каломи* билан мустаҳкамрок алоқани таъминлаш мақсадида *калом* илоҳиётини янгилаш борасида амалга оширилган ишларга қарамай, унинг моҳиятини раҳмат дини сифатида Исломга янада мослаштириш ва яқинлаштириш учун ҳали ҳам асослар мавжуд. Исломий тафаккур етакчилари ва диний арбоблар бу мақсадга эришиш учун ғоялар ва ҳаракатлар режасини илгари суриш ташаббусида бошчилик қилишлари лозим.

- Тавҳидга ва унинг муслмонлар ҳаётига таъсирига эътиборни қайта тиклаш, шубҳасиз, муслмон ичидаги бирлик ҳолатига, хусусан, XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида кучайган ва қатъий чораларни талаб қиладиган сунний-шиалик бўлиниши масаласига эътибор қаратмоқда.

ИЗОҲЛАР

1. Джон О. Фоль, “Ислом тарихидаги янгиланиш ва ислохот: Таждид ва Ислоҳ”, Джон Л. Эспозито тахрири остида, “Қайта тикланган Ислом овозлари” (Нью-Йорк: Оксфорд университети матбуоти, 1983), 32-бет. Асл нусха: John O. Voll, “Renewal and Reform in Islamic History: Tajdid and Islah”, in John L. Esposito, ed., *Voices of Resurgent Islam* (New York: Oxford University Press, 1983), p. 32f.

2. Ибн Манзур ал-Ифрикий, Лисон ал-Араб, 2-жилд, 202-бет ва Муҳаммад ибн Абу Бакр ал-Розий, Мухтор ас-Сихох, 95-бет – Аднан Муҳаммад Имамах, Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломи асарида келтирилгандек (Байрут: Дор ибн ал-Жаузий, 2001) 19-бет. Асл нусха: Ibn Manẓūr al-Ifṭīqī, *Lisān al-ʿArab*, vol. 2, p. 202; and Muḥammad ibn Abū Bakar al-Rāzī, *Mukhtār al-Siḥāh*, p. 95 – as quoted in Adnan Muhammad Imamah, *Al-Tajdid fī al-Fikr al-Islāmī* (Beirut: Dār ibn al-Jawzī, 2001), p. 19.

3. Ибн Ҳажар ал-Асқалоний, Таволий ат-Таъсис ли-Маъолий Муҳаммад ибн Идрис – Абдурахмон ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс ʿало ал-Хитоб: Баҳс фий Тарихийят Мафҳум ат-Таждид” асарида келтирилгандек, Ат-Таждид (Куала-Лумпур: Малайзия Халқаро Ислом университети, 1420/1999), 3-жилд, № 6, 100-бет. Асл нусха: Ibn Ḥajar al-ʿAsqalānī, *Tawālī al-Taʿsīs li-Maʿālī Muḥammad ibn Idrīs* – as quoted in Abd al-Rahman al-Haaj Ibrahim, “Al-Tajdid: Min al-Naṣṣ ʿalā al-Khiṭāb: Bahth fī Tārīkhiyyāt Maḥmūm al-Tajdid”, *Al-Tajdid* (Kuala Lumpur: ИУМ, 1420/1999), vol. 3, no. 6, p. 100.

4. Муборак ибн Муҳаммад ал-Жазарий ибн ал-Асир, Жамий ал-Усул ли-Аҳадис ар-Расул, муҳаррир Абулқодир ал-Арнаут, 3-нашр (Байрут: Дорул Фикр, 1983), 11-жилд, 321-бет. Асл нусха: Mubārak ibn Muḥammad al-Jazaʿī ibn al-Athīr, *Jāmiʿ al-Uṣūl li-Aḥādīth al-Rasūl*, ed., Abd al-Qadīr al-Arnaut, 3rd edn., (Beirut: Dār al-Fikr, 1983), vol. 11, p. 321.

5. Жалолоддин ас-Суютий, Ал-Жамиъал-Сағир – Аднан Муҳаммад Имамах, Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломи асарида келтирилгандек (Байрут: Дор ибн ал-Жаузий, 2001) 19-бет. Асл нусха: Jalāl al-Dīn al-Suyūṭī, *Al-Jāmiʿ al-Ṣaḡhīr* – as quoted in Adnan Muhammad Imamah, *Al-Tajdid fī al-Fikr al-Islāmī* (Beirut: Dār ibn al-Jawzī, 2001), p. 19.

6. Юсуф ал-Қарадавий, Лиқаъат ва Ҳиварат Ҳавл Қадаий ал-Ислом ва ал-Аср (Қоҳира: Мактаба Ванба, 1992), 85-86-бет. Асл нусха: Yūsuf al-Qaradawī, *Liḳāʿāt wa Ḥiwārāt Ḥawl Qaḍāyā al-Islām wa al-ʿAṣr*, (Cairo: Maktabah Wahbah, 1992), pp. 85-86.

7. Абдурахмон ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс ʿало ал-Хитоб: Баҳс фий Тарихийят Мафҳум ат-Таждид”, Ат-Таждид (Куала-Лумпур: Малайзия Халқаро Ислом университети, 1420/1999), 115-бет. Асл нусха: Abd al-Rahman al-Haaj Ibrahim, “Al-Tajdid: Min al-Naṣṣ ʿalā al-Khiṭāb: Bahth fī Tārīkhiyyāt Maḥmūm al-Tajdid”, *Al-Tajdid* (Kuala Lumpur: ИУМ, 1420/1999), p. 115.

8. Ҳасан ат-Туробий, Таждид ал-Фикр ал-Исломи, 2-нашр (Жидда: ад-Дорул Суъудий ли ан-Нашр, 1978), 32-бет, 176-бет. Асл нусха: Hasan al-Turabi, *Tajdid al-Fikr al-Islāmī*, 2nd edn., (Jeddah: al-Dār al-Suʿūdiyyah li al-Nashr, 1978), p. 176, p. 32.

9. ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс...”, 125-бет.

10. ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс...”, 103-бет.

11. Усман Муҳаммад Бугаже, “Ислолда тикланиш тушунчаси” (нашр этилмаган докторлик диссертацияси), 5-бет. Асл нусха: Usman Muhammad Bugaje, “Concept of Revitalisation in Islam”, (unpublished PhD thesis), <http://dar-sirr.com/Tajdid.html>, p. 5.

12. Муҳаммад Имара, Азмат ал-Фикр ал-Исломи ал-Муъасир (Қоҳира: Дорул Шарқ ал-Авсаф, 1990), 83 ва 85-бет. Асл нусха: Muhammad Imarah, Azmat al-Fikr al-Islāmī al-Mu’āšir (Cairo: Dār al-Sharq al-Awsaf, 1990), p. 85, p. 83.

13. Аҳмад Сидқи ад-Даҷжани, “Афкор фий ат-Тағһийр”, Қувайт Давлати Вақф ва Ислом Ишлари Вазирлиги томонидан нашр этилган (Қувайт: Мактабат ал-Авқоф, 1955), 20-бет. Асл нусха: Ahmad Sidqi al-Dajjani, “Afkār fī al-Taghyīr”, published by the Ministry of Awqāf and Islamic Affairs of the State of Kuwait, (Kuwait: Maktabat al-Awqāf, 1955), p. 20.

14. Абдулсаттар ал-Саййид, “Таждид ал-Фикр ал-Исломи: Машруъийяту ва Давобиту”, Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломи” (Қоҳира: Визорат ал-Авқоф, 1430/2009), 364-бет. Асл нусха: Abd al-Sattar al-Sayyid, “Tajdīd al-Fikr al-Islāmī: Mashrū’iyyatuh wa Dawābiṭuh” in ed., Mahmud Hamdi Zaquq, Tajdīd al-Fikr al-Islāmī (Cairo: Wizārat al-Awqāf, 1430/2009), p. 364f.

15. Абубакр ар-Рафиқ, “Ат-Таждид ва Аҳамийяту фий ал-Аср ал-Ҳадис”, Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломи” (Қоҳира: Визорат ал-Авқоф, 1430/2009), 603-бет. Асл нусха: Abu Bakr al-Rafiq, “al-Tajdīd wa Ahammiyyatuh fī al-‘Asr al-Ḥadīth” in ed., Mahmud Hamdi Zaquq, Tajdīd al-Fikr al-Islāmī (Cairo: Wizārat al-Awqāf, 1430/2009), p. 603f.

16. Аммор ат-Толибий, “Ат-Таждид фий Фикр Молик Бин Набий”, Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломи” (Қоҳира: Визорат ал-Авқоф, 1430/2009), 863-бет. Асл нусха: Ammar al-Talibi, “Al-Tajdīd fī Fikr Mālek Bin Nabī” in ed., Mahmud Hamdi Zaquq, Tajdīd al-Fikr al-Islāmī (Cairo: Wizārat al-Awqāf, 1430/2009), p. 863f.

17. Юсуф ал-Қарадавӣ, “Ҳавл Қада я ал-Исло ва ал-Аср”, 3-нашр (Қоҳира: Мактаба Ванба, 1427/2006), 89-бет. Асл нусха: Yusuf al-Qaradawi, Ḥawl Qadāyā al-Islām wa al-‘Asr, 3rd edn., (Cairo: Maktabah Wahbah, 1427/2006), p. 89.

18. Юсуф ал-Қарадавӣ, “Ҳавл Қада я ал-Исло ва ал-Аср”, 85-бет.

19. Абдуллоҳ ал-Хаттиб ат-Табризий, “Мишкат ул-Масобийх”, муҳаррир Муҳаммад Носируддин ал-Албоний, 2-нашр (Байрут: Ал-Мактаб ал-Исломи, 1399/1979), 1-жилд, 247-ҳадис. Бу Кутуб ал-Ситтах деб номланувчи барча олти асосий ҳадис китобларидан саҳиҳ ҳадислар тўпламидир. Шунингдек, Муҳаммад Ҳошим Камолийнинг “Цивилизация янгилиши: Ҳадари Ислом ёндашувини қайта кўриб чиқиш” асарини қаранг, 2-нашр (Куала-Лумпур: Ҳалқаро илғор Ислом тадқиқотлари институти, 2009), 51-бет. Асл нусха: ‘Abd Allāh al-Khaṭīb al-Tabrīzī, Mishkāṭ al-Maṣābīḥ, ed., Muhammad Nasir al-Din al-Albani, 2nd edn., (Beirut: Al-Maktab al-Islāmī, 1399/1979), vol. I, hadith no. 247. Mohammad Hashim Kamali, Civilisational Renewal: Revisiting the Islam Hadhari Approach, 2nd edn., (Kuala Lumpur: International Institute of Advanced Islamic Studies, 2009), p. 51ff.

20. Усман Муҳаммад Бугаже, “Исломда тикланиш тушунчаси” (нашр этилмаган докторлик диссертацияси), 2-3-бет.
21. Аднан Муҳаммад Имамах, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломиий” (Байрут: Дор ибн ал-Жаузий, 2001) 17-бет.
22. Аднан Муҳаммад Имамах, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломиий” асарида келтирилгандек (Байрут: Дор ибн ал-Жаузий, 2001) 17-бет, Муҳаммад Шамсуддин Азимабодий (вафоти милодий, 1858), Авн ал-Маъбуд Шарҳ Сунан Абу Довуд, 11-жилд, 391-бет. Асл нусха: Muḥammad Shams al-Dīn ‘Azīmabādī (d. 1858 CE), ‘Awn al-Ma’būd Sharḥ Sunan Abī Dāwūd, vol. 11, p. 391, as quoted in Adnan Imamah, *Al-Tajdīd fī al-Fikr al-Islāmī* (Beirut: Dār ibn al-Jawzī, 2001), p. 17.
23. Аднан Муҳаммад Имамах, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломиий” асарида келтирилгандек (Байрут: Дор ибн ал-Жаузий, 2001) 17-бет, Муҳаммад Абдурауф ал-Мановий, Файз ал-Қодир, 2-жилд, 357-бет. Асл нусха: Muḥammad ‘Abd al-Ra’ūf al-Manāwī, Fayz al-Qadīr, vol.2, p. 357, as quoted in Adnan Imamah, *Al-Tajdīd fī al-Fikr al-Islāmī* (Beirut: Dār ibn al-Jawzī, 2001), p. 17.
24. Суфи Абу Толиб, “Ат-Таждид ва Дарурат ат-Тавозун”, Ал-Азхар университети битирувчилари учинчи халқаро форумида тақдим этилган конференция маърузаси (Куала Лумпур, 16 февраль, 2008.), 5-бет. Асл нусха: Sufi abu Talib, “Al-Tajdīd wa Darūrat al-Tawāzun”, conference paper presented to the Third International Forum of al-Azhar Alumni (Kuala Lumpur, 16 February, 2008), p. 5.
25. Муҳаммад Масад Якут, “Назарот фий Ҳадис ат-Таждид: фий Ҳодо ал-Қарн Наҳтож ила Ҳарака Таждидийя Шомила ва Мутақомила ва Мустанира”, 2-3-бет. Асл нусха: Muhammad Masad Yaqut, “Nazarāt fī Ḥadīth al-Tajdīd: fī Ḥādhā al-Qarn Naḥtāj ilā Ḥarakah Tajdīdiyyah Shāmīlah wa Mutakāmīlah wa Mustanīrah”, <http://saaid.net/aldawlah/359.htm>, pp. 2-3. (accessed 26 August 2012)
26. Аднан Муҳаммад Имамах, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломиий”, 26-бет.
27. Усмон Бакарнинг Сингапур Миллий университетида (5-6 март, 2008 й.) “Жанубий-Шарқий Осиёдаги Муслмон Ислохоти” форумида тақдим этилган “Малайзияда Исломлаштириш атрофидаги Диний Ислохотлар ва қарама-қаршиликлар” маърузаси, 4-бет. Асл нусха: Osman Bakar’s seminar paper “Religious Reform and the Controversy Surrounding Islamization in Malaysia”, (5-6 March 2008), p. 4.
28. Усмон Бакар, “Малайзияда Исломлаштириш атрофидаги Диний Ислохотлар ва қарама-қаршиликлар” маърузаси, 7-бет. Усмон Бакарнинг қўшимча қилишича, таждид ва ислох тушунчалари ҳақидаги умумий тушунишига мувофиқ, АВИМ ҳаракати ижтимоий адолатга эришиш мақсадида маънавий янгилиниш ва ижтимоий ислохотни бирлаштирган таълим дастурини тақлиф қилган. 1970-йилларда АВИМ ўша пайтдаги Малайзия жамиятига сезиларли таъсир кўрсатган ягона Исломиий уйғониш ҳаракати бўлган.
29. Муҳаммад Масад Якут, “Назарот фий Ҳадис ат-Таждид...”, 4-бет.
30. Усман Муҳаммад Бугаже “Исломда тикланиш тушунчаси”, 5-бет.
31. Абдурахмон ибн Халдун, “Муқадимма Ибн Халдун”, муҳаррир Ҳамид Аҳмад Зоҳир (Қохира: Дорул Фажр ли ат-Турот, 1425/2004), 483-бет ва бошқа жойларда.

Асл нусха: ‘Abd al-Raḥmān ibn Khaldūn, Muqaddimah Ibn Khaldūn, ed., Hamid Ahmad Zahir, (Cairo: Dār al-Fajr li al-Turāth, 1425/2004), p. 483 and passim.

32. Усман Муҳаммад Бугаже, “Исломда тикланиш тушунчаси”, 4-бет.

33. Халил Аҳмад ас-Саҳаранфурий, “Бадл ал-Мажхуд фий Ҳалл Сунани Абу Довуд”, муҳаррир Такиюддин ан-Надвий, “Китобул Малоҳим, боб мо юдхару фий қарн ал-миъата” (Байрут: Шарика Дорул Башоъир ал-Исломийя, 1427/2006), 12-жилд, 335-бет. Асл нусха: Khalil Ahmad al-Saharanfuri, Badhl al-Majhūd fī Ḥall Sunan Abī Dāwūd, ed., Taqī al-Dīn al-Nadwī, Kitāb al-Malāḥim, bāb mā yudhkaru fī qarn al-mi’atah, (Beirut: Sharikah Dār al-Bashā’ir al-Islāmiyyah, 1427/2006), vol. 12, p. 335.

34. Халил Аҳмад ас-Саҳаранфурий, “Бадл ал-Мажхуд фий Ҳалл Сунани Абу Довуд”, 5-бет. Ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс...”, 104-бет.

35. Баъзи олимлар асрнинг охирини ҳисобга олиш керак деб ҳисоблайдилар. Бунинг сабаби, биринчи муҷаддид Умар ибн Абдулазиз иккинчи асрнинг бошларида вафот этган ва шу боис, биринчи асрнинг охирида туғилган. Ушбу нуқтаи назар ҳижратнинг биринчи асрини Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари бошқарганлигини ҳам ҳисобга олади, демак, ҳисоблаш бу асрнинг охиридан бери давом этмоқда.

36. Такиюддин ан-Надвий ҳадисни тўғри тушуниш таждидни бирон бир шахс, ҳар қандай муайян жамоа ва ер билан чекланмайди, шунингдек, у турли хил маъноларга тенг даражада очиқ деган хулосага келган.

37. Ҳадисда айтилишича: “Салмон биздан бири ёки аҳл ул-Байт – Салмон минна аҳл ул-Байт”. Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломий” таҳрири остида Исам Аҳмад ал-Башир, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломий”, 91-бет. Асл нусха: Isam Ahmad al-Bashir, “Al-Tajdid fī al-Fikr al-Islāmī”, in ed., Mahmud Hamdi Zaquq, Tajdid al-Fikr al-Islāmī, p. 91.

38. Юсуф ал-Қарадавий, “Умматуно Байна Қарнайн”, 3-нашр (Қоҳира: Дорул Шурук, 1427/2006), 10-бет. “Мин Ажли Саҳва Рошида: Тажаддул Дин ва Танаххудул Дунё” (Қоҳира: Дорул Шурук, 1421/2001), 13-бет. Асл нусха: Yusuf al-Qaradawi, Ummatunā Bayna Qarnayn, 3rd edn., (Cairo: Dār al-Shurūq, 1427/2006), p. 10; Idem, Min Ajli Ṣaḥwah Rāshidah: Tajaddud al-Dīn wa Tanahhud al-Dunyā (Cairo: Dār al-Shurūq, 1421/2001), p. 13.

39. Ширин Ҳамид Фаҳми, “Манзуруна ал-Исломий ал-Ҳадарий”. Ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс ғало ал-Хитоб...”, 102-бет.

Асл нусха: Shirin Hamid Fahmi, “Manzūrunā al-Islāmī al-Ḥadārī”, <http://www.islamonline.net/arabic/contemporary/2005/09/article04.html>. See also al-Haaj Ibrahim, “Al-Tajdid: min al-Naṣṣ ‘alā al-Khiṭāb”, Al-Tajdid, p. 102.

40. Муҳаммад Обид ал-Жобирий, “Ад-Дин ва ад-Давла ва Татбиқ аш-Шарифа” (Байрут: Марказ Диросат ал-Ваҳда ал-Арабийя, 1996), 133-бет. Асл нусха: Muḥammad Abid al-Jabiri, Al-Dīn wa al-Dawlah wa Taṭbīq al-Sharī’ah (Beirut: Markaz Dirāsāt al-Waḥdah al-‘Arabiyyah, 1996), p. 133.

41. Джон Фольнинг 1-изоҳдаги мунозарасига қаранг.

42. Суҳа Тажи-Фаруқий, “Замонавий Муслмон Зиёлилари ва Қуръон, Муқаддима” (Лондон: Оксфорд университети нашриёти ва Исмоилий тадқиқотлари институти, 2004), 18-бет. Асл нусха: Suha Taji-Farouki, ed., *Modern Muslim Intellectuals and the Qur’an*, Introduction, (London: OUP and the Institute of Ismaili Studies, 2004), p. 18.
43. Муҳаммад Имара, “Таждид ал-Фикр ал-Исломий ʻинда Муҳаммад Абду ва Мадрасагу”, Китобул Ҳилол (Қоҳира, 1980), №360, 40-69-бет. Асл нусха: Muhammad Imarah, “Tajdid al-Fikr al-Islami ‘inda Muhammad Abduh wa Madrasatuh”, *Kitab al-Hilal* (Cairo, 1980), no. 360, pp. 40-69.
44. Асад Абу Халил, “Қайта туғилиш ва янгиланиш”, Джон Л. Эспозито томонидан тахрирланган, *Замонавий Исломи дунёсининг Оксфорд Қомуси* (Оксфорд Университети Нашриёти, 1995), 432-бет. Асл нусха: Asad Abu Khalil, “Revival and Renewal” in ed., John L. Esposito, *The Oxford Encyclopedia of the Modern Islamic World* (OUP, 1995), p. 432f.
45. Асад Абу Халил, “Қайта туғилиш ва янгиланиш”.
46. Ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс...”, 106-бет.
47. Насар Меер, “Радикализм мураккаблиги – Британияда терроризмга қарши кураш ва муслмон ўзига хослиги”, уч ойда бир марта нашр этиладиган *Arches* журнали (Лондон: Баҳор 2012.), 5-жилд, 15-бет. Асл нусха: Nasar Meer, “Complicating ‘Radicalism’- Counter-Terrorism and Muslim Identity in Britain”, *Arches Quarterly* (London: Spring 2012), vol. 5, p. 15.
48. Сайид Хусайн Наср, “Замонавий Дунёда Анъанавий Исломи” (Лондон: Рутледж ва Кеган Пол, 1987), 92-бет. Асл нусха: Seyyed Hossein Nasr, *Traditional Islam in the Modern World* (London: Routledge and Kegan Paul, 1987), p. 92.
49. Исломи Конференцияси ташкилотининг учинчи фавқуллода саммити давомида қабул қилинган Макка Декларацияси (5-7 зулқаъда 1426 / 7-8 декабрь 2005.), 3-бет.
50. Муртазо Мутаҳҳарий, “Исломи тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, Ханжар Ҳамийя таҳрири остида инглиз тилига Муҳаммад Замин ва Зайнаб Алайян томонидан таржима қилинган (Лондон: Маҳариши Халқаро университети нашриёти, 2013), 90-бет. Асл нусха: Murtada Mutahhari, *Reformation and Renewal of Islamic Thought*, Eng. tr. by Muhammad Zamin & Zaynab Alayuan, ed., *Khanjar Hamiyah* (London: MIU Press, 2013), p. 90.
51. Муртазо Мутаҳҳарий, “Исломи тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 91-бет.
52. Муртазо Мутаҳҳарий, “Исломи тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 114-бет.
53. Муртазо Мутаҳҳарий, “Исломи тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 112-113-бет.
54. Ал-Ҳааж Иброҳим, “Ат-Таждид: Мин ан-Насс...”, 109-бет.
55. Абдуллоҳ Саид, “Фазлур Раҳмон: Қуръоннинг ахлоқий ва ҳуқуқий мазмунини талқин қилиш учун асос”, Тожи-Форуқий томонидан тахрирланган “Замонавий Муслмон Зиёлилари ва Қуръон” (Лондон: Оксфорд университети нашриёти ва Исмоилийларни ўрганиш институти, 2004), 42-43-бет. Асл нусха: Abdullah Saeed, “Fazlur Rahman: A framework for interpreting the ethicolegal content of the Qur’an”, in ed., Taji-

Farouki, *Modern Muslim intellectuals and the Qur'an* (London: OUP and the Institute of Ismaili Studies, 2004), pp. 42-43.

56. Абдуллоҳ Саид, “Фазлур Раҳмон: Қуръоннинг ахлоқий ва ҳуқуқий мазмунини талқин қилиш учун асос”, 44-бет.

57. Абдуллоҳ Саид, “Фазлур Раҳмон: Қуръоннинг ахлоқий ва ҳуқуқий мазмунини талқин қилиш учун асос”, 48-бет.

58. Абдуллоҳ Саид, “Фазлур Раҳмон: Қуръоннинг ахлоқий ва ҳуқуқий мазмунини талқин қилиш учун асос”, 52-бет.

59. Жамолиддин Атия ва Ваҳба аз-Зухаили, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ” (Байрут: Дорул Фикр, 1422/2002), 31-32-бет. Асл нусха: Jamal al-Din Atiyah and Wahbah al-Zuhaili, *Tajdid al-Fiqh al-Islami* (Beirut: Dar al-Fikr, 1422/2002), pp. 31-32.

60. Жамолиддин Атия ва Ваҳба аз-Зухаили, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ” (Байрут: Дорул Фикр, 1422/2002), 35-бет.

61. Жамолиддин Атия ва Ваҳба аз-Зухаили, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ” (Байрут: Дорул Фикр, 1422/2002), 35-бет.

62. Жамолиддин Атия ва Ваҳба аз-Зухаили, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ” (Байрут: Дорул Фикр, 1422/2002), 46-бет.

63. Муҳаммад Салим ал-Ава, “Ал-Фикҳ ал-Исломиӣ фий Тариқ ат-Таждид”, 2-нашр (Қоҳира: Ал-Мактаб ал-Исломиӣ, 1998), 119 ва 272-бет. Асл нусха: Muhammad Salim al-Awa, *Al-Fiqh al-Islami fi Tariq al-Tajdid*, 2nd edn., (Cairo: Al-Maktab al-Islami, 1998), p. 119, p. 272.

64. Муҳаммад Салим ал-Ава, “Ал-Фикҳ ал-Исломиӣ фий Тариқ ат-Таждид”, 20-222-бет.

65. Муҳаммад Ҳошим Камолий, “Шариат Қонуни: Муқаддима” (Оксфорд: Уанворлд Пабליкейшнз, 2008), 12-боб, Мослашув ва Ислоҳот, 246-262-бет. Асл нусха: Mohammad Hashim Kamali: *Shari'ah Law: An Introduction* (Oxford: Oneworld Publications, 2008), ch. 12, Adaptation and Reform, pp. 246-262.

66. Шариатнинг бешта асосий мақсади (мақасид): ҳаётни, динни, инсон ақлини, мол-мулкни ва оиласини ҳимоя қилиш. Ушбу рўйхатга қўшилган олтинчи нукта бу шахсий кадр-қиммат ёки номусдир. Мақасид ҳақида батафсил маълумот учун: Муҳаммад Ҳошим Камолий, “Шариат Қонуни: Муқаддима”, 6-боб, 123-140-бет.

67. Муҳаммад Ҳошим Камолий, “Шариат Қонуни: Муқаддима”, 6-боб, 40-41-бет.

68. Муҳаммад Ҳошим Камолий, “Шариат Қонуни: Муқаддима” (Оксфорд: Уанворлд Пабликейшнз, 2008), 6-боб, Мақасид тарихи ва услубияти. Шунингдек, “Мақасид, Ижтиҳод ва Цивилизацион янгиланиш”. (Лондон ва Куала Лумпур: Халқаро Ислому тафаккури институти ва Малайзия Халқаро Исломиӣ Тадқиқотлар Институти, 2012) Ҳамда куйидаги китобларга қаранг: Али Жума, “Таждид Усулул Фикҳ” ва Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ”, 357-бет. Асл нусха: Mohammad Hashim Kamali, *Shari'ah Law: An Introduction* (Oxford: Oneworld Publications, 2008), ch. 6 on “History and Methodology of Maqasid”. See also idem, *Maqasid, Ijtihad and Civilisational Renewal*. (London & Kuala Lumpur: IIT and IAIS Malaysia, 2012) Another

useful work to consult would be Ali Jumah, “Tajdīd Uṣūl al-Fiqh”, in Mahmud Hamdi Zaqzuq, *Tajdīd al-Fikr al-Islāmī*, p. 357f.

69. Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ” таҳрири остида Исам Аҳмад ал-Башир, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломиӣ”, 94-бет.

70. Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ” таҳрири остида Исам Аҳмад ал-Башир, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломиӣ”, 111-112-бет.

71. Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломиӣ” таҳрири остида Исам Аҳмад ал-Башир, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломиӣ”, 113-114-бет.

72. Абдулҳамид Абу Сулаймон, “Азмат ал-Ақл ал-Муслим”, 3-нашр (Виржиния: Ал-Маъҳад ал-Аламиӣ лий ал-Фикр ал-Исломиӣ, 1994), 40-бет; Таҳа Жабир Алалвоний, “Ислоҳ ал-Фикр ал-Исломиӣ: Мадхал ило Низом ал-Хитоб ал-Исломиӣ ал-Муъосир”, 3-нашр (Виржиния: Ал-Маъҳад ал-Аламиӣ лий ал-Фикр ал-Исломиӣ, 1995), 72-73-бет. Асл нусха: Abdul Hamid Abu Sulayman, *Azmat al-‘Aql al-Muslim*, 3rd edn. (Virginia: Al-Ma’had al-‘Ālamī lī al-Fikr al-Islāmī, 1994), p. 40; Taha Jabir Alalwani, *Iṣlāḥ al-Fikr al-Islāmī: Madkhal ilā Nizām al-Khiṭāb al-Islāmī al-Mu’āṣir*, 3rd edn., (Virginia: Al-Ma’had al-‘Ālamī lī al-Fikr al-Islāmī, 1995), pp. 72-73.

73. Фавзия Бариум, “Малек Беннаби, унинг ҳаёти ва цивилизация назарияси” (Куала Лумпур: Будая Илму, 1993), 163-164-бет. Асл нусха: Fawzia Barium, *Malek Bennabi, His Life and Theory of Civilisation* (Kuala Lumpur: Budaya Ilmu, 1993), pp. 163-164.

74. Маймул Аҳсан Хон, Мусулмон оламидаги инсон ҳуқуқлари (Дарем, Шимолий Каролина: Каролина Академик Пресс, 2003), 58-бет. Асл нусха: Maimul Ahsan Khan, *Human Rights in the Muslim World* (Durham, NC: Carolina Academic Press, 2003), p. 58.

75. Маймул Аҳсан Хон, Мусулмон оламидаги инсон ҳуқуқлари, 58-бет.

76. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 163-164-бет.

77. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 161-бет.

78. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 126-бет.

79. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 127-128-бет.

80. Муҳаммад Иқболнинг “Инсон ва унинг иймони” китобидан келтирилган ҳолда (26-38-бет); Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 129-бет.

81. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш” китобида келтирилганидек, 128-бет.

82. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш” китобида тавсифлаганидек, 26-27-бет.

83. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 130-бет.

84. Муртазо Мутаҳҳарий, “Ислом тафаккурини ислоҳ қилиш ва янгилаш”, 130-бет.

85. Арэф Али Найед, “Тинчлик, раҳм-шафқат ва марҳаматнинг ўсиб бораётган муҳити: “Мускат Манифестига” мусулмонларнинг жавоби” (Дубай: Калам Рисёч & Ме-

диа, 2010), 25-бет. Асл нусха: Aref Ali Nayed, *Growing Ecologies of Peace, Compassion and Blessing: A Muslim Response to 'A Muscat Manifesto'* (Dubai: Kalam Research & Media, 2010), p. 25.

86. Ареф Али Найед, “Тинчлик, раҳм-шафқат ва марҳаматнинг ўсиб бораётган муҳити...”, 18-бет.

87. Ареф Али Найед, “Тинчлик, раҳм-шафқат ва марҳаматнинг ўсиб бораётган муҳити...”, 21-бет.

88. Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий, Саҳиҳи Термизий. (Байрут: Дорул Кутуб ал-Илмийя)

89. Ареф Али Найед, “Тинчлик, раҳм-шафқат ва марҳаматнинг ўсиб бораётган муҳити...”, 24-бет.

90. Ареф Али Найед, “Тинчлик, раҳм-шафқат ва марҳаматнинг ўсиб бораётган муҳити...”, 16-бет. Изоҳда Найед яҳудий олими Стивен Кепнес ва насроний олими Дэвид Форд билан “қўшма илоҳиёт” лойиҳасидаги иштирокини тилга олади, шунингдек, Оксфорддаги Блэквелл нашриётида босиб чиқарилмоқчи бўладиган яҳудий, насроний ва мусулмон илоҳиётининг келажаги тўғрисида бир вақтнинг ўзида учта китоб тайёрланишини эслатиб ўтади.

91. Ареф Али Найед, “Тинчлик, раҳм-шафқат ва марҳаматнинг ўсиб бораётган муҳити...”, 19-бет.

92. Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломи” таҳрири остида Шайх Абдулғани Ашур, “Манҳаж ат-Таъомул маъа ал-Қуръон ва ас-Сунна”, 636-бет. Асл нусха: Sheikh Abd al-Ghani Ashur, then Acting Sheikh of al-Azhar, “Manhaj al-Ta’āmul ma’a al-Qur’ān wa al-Sunnah”, in ed., Mahmud Hamdi Zaquzuq, *Tajdid al-Fikr al-Islāmī*, p. 636.

93. Маҳмуд Ҳамди Зақзук, “Таждид ал-Фикр ал-Исломи” таҳрири остида Исам Аҳмад ал-Башир, “Ат-Таждид фий ал-Фикр ал-Исломи”, 94-бет.

94. Шундай қилиб, мўътадиллик (васатийя) такводорликда, қонунчиликнинг ва тасаввуф амалларининг ҳаддан ташқари ўсишида ва шунга ўхшаш нарсаларда ҳам ориқчаликнинг олдини олади. Батафсил маълумот учун: Муҳаммад Ҳошим Камолий, “Ислолда мўътадиллик ва мувозанат: Қуръоннинг Васатийя Тамойили”. (Куала Лумпур: Малайзия Халқаро Исломи Университети, 2010) Асл нусха: Mohammad Hashim Kamali, *Moderation and Balance in Islam: The Qur’anic Principle of Wasatiyyah*. (Kuala Lumpur: IAIS Malaysia, 2010)

95. Муҳаммад Ҳошим Камолий, “Ислолда мўътадиллик ва мувозанат: Қуръоннинг Васатийя Тамойили”.

96. Муҳаммад Ҳошим Камолий, “Ислолда мўътадиллик ва мувозанат: Қуръоннинг Васатийя Тамойили”, 95-96-бет.

97. Ҳозирда муаллиф Малайзия Халқаро Исломи тадқиқотлар институти раиси ва катта илмий ходими.

98. Батафсил маълумотни Малайзия IAIS институтининг веб-сайтида кўринг: www.iais.org.my. 2008 йилда ташкил этилганидан бери институт бир юз йигирмага яқин

нашрни босиб чиқарди.

99. Усман Муҳаммад Бугаже, “Ислолда тикланиш тушунчаси”, 5-бет.

100. Усман Муҳаммад Бугаже, “Ислолда тикланиш тушунчаси”, 5-бет.

*Ислом тафаккури тарихи ислоҳ ва таждид тамойилла-
рига асосланган узлуксиз ички жонланиши ва ислоҳотлар
анъанаси билан ажралиб туради. Мақсад мавжуд воқелик ва
ижтимоий ўзгаришларни тиклаш ва ислоҳ қилиш жараёни
орқали Қуръон ва Суннатнинг трансцендент (яъни тажриба
қилиб, билиб бўлмайдиган) ва умумбашарий меъёрларига муво-
фиқлаштиришидир. Шундай қилиб, ислоҳ ва таждид анъана-
си ҳар доим мусулмонларнинг мавжуд ҳолатига қарши чиққан
ҳамда Қуръон ва Суннатнинг янги талқинларининг пайдо бў-
лишига ҳисса қўшган. Ушбу талқинларни тушуниш ва татбиқ
қилиш тафсир ва ижтиҳод усуллари ёрдами билан ҳамда Ис-
ломнинг асл ҳолидаги хабарига асоссиз бўлган қўшимчаларни
рад этиш орқали амалга оширилган. Ушбу мақоланинг асосий
мавзуси шундаки, цивилизацияон янгилашни Ислом тафакку-
рининг ажралмас қисмидир. Мақолада таждид ва ислоҳнинг
маъноси, таърифи ва келиб чиқиши, уларнинг ижтиҳод билан
боғлиқлиги, шунингдек, Исломнинг бутун тарихи давомида
етакчи мутафаккирларининг асарларида ва қиссаларида қан-
дай намоён бўлганлиги кўриб чиқилади. Шунингдек, у замона-
вий мусулмонларнинг саъй-ҳаракатларини умумий манфаат
йўлида маданиятлараро тотувлик ва ҳамкорлик мақсадларига
эришишига йўналтириши керак бўлган таждид билан боғлиқ
аниқ таърифлар ва раҳбарлик тамойилларни кенгайтиради.*

